Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

33 сон 18 —24 август, 2005 йил

- Фарзандлар, неваралар қуршовида ҳаётнинг қувончу ташвишлари ҳақида суҳбатлашиш, баҳслашиш гаштига не етсин, - дейди Паст Дарғом туманилик Фарҳод Сайдалиев (ўртада).
Ҳа, дарҳақиқат "Баркамол оила эл ва давлат фахри" деганларидек, Фарҳоджон Сайдалиев рафиқаси Зойира Тожиева билан бирга фарзандларини ўқитишди, олий маълумотли бўлишларига саъй-ҳаракат қилишди. Фарзандлар бугунги кунда маънавий етук инсонлар бўлиб етишишди.

Шоди МАРДИЕВ

Гулнора Йўлчиева Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Шуҳрат" медали соҳибаси, Республика Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раис муовини, шунингдек, Тошкент шаҳар "Оила" маркази раиси. Бундан бир неча йил аввал Гулнора Йўлчиева ўз оиласи ташвишлари ва жамоатчилик ишларидан ортиб, маҳалла жувонлари учун "Гулнора-Она" ўқув марказини очди. Маҳалланинг қизлари, келинлари, уй бекалари олисга қатнаб юрмасдан, шундоққина ёнларидаги марказга қатнаб оила сабоғини олишмоқда.

- Гарчи ўзим иқтисодчи бўлсам ҳам, аёллар билан тиллашишни, диллашишни ёқтираман. Маҳалла жамғармасининг хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида фаолият юритаман. Тез-тез вилоятларга сафарга чиқаман. Хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда турли тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этмоқдамиз. Оилалар муаммоларини ўрганиб умумлаштирамиз.

Яқинда "Аёл дунёни тебратар" номли китобим нашрдан чиқди. Унда оилада баркамол фарзандларни тарбиялаш, оила, оила-маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш-соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ўзбек хотин-қизларининг хизматларини холис ёритишга ҳаракат қилдим, - дейди Гулнора Деҳқоновна.

БАСИРА

"АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР"

УЛУҒ НЕЪМАТ



Ҳадемай, юртимизда энг улуғ, энг азиз байрам - истиқлол байрами нишонланади. Мен бу кунни ақлим тўлган, етарли билимга эга бўлган пайтим - 40 ёшимда кутиб олган эдим. Орадан 4 йил ўтди. Бу йиллар-нинг ҳар бири асрга тенг бўлди, десам асло муболаға бўлмайди. Мамлакатимизда содир бўлган барча ўзгариш, янгиланишларда менинг ҳам ҳиссам борлигидан кўнглим ғурурга тўла.

Мана, 16 йилдирки, Тошкентдаги "Чимбой" маҳалласида фаол бўлиб ишлаб келмоқдаман. Маҳалламизда истиқомат қилаётган оилалар мустаҳкамлиги ва ёшларимиз тарбиясига кўп эътибор бераман. Сир эмас, ҳаётда бир оз қийинчилик юзага келса дарҳол ўтмишни қўмсайдиган, ўтмишни мақтайдиган одамлар ҳам орамизда бор. Холбуки, атрофимизга теран кўз билан боқсак бу каби хулосалар мағзи пуч эканлигига икрор бўламиз. Маҳалламизда қурилиш ва касб-ҳунар коллежи қад ростлаб, 13 йўналишда ёшларимиз касб ва ҳунар ўрганишаяпти. Ўтган йили маҳалламизда "Намуна" спорт мажмуаси ишга тушди. Бунда спортнинг ўнлаб турлари бўйича фарзандларимиз таълим олишиб, чиниқишаяпти.

Маҳалламиздаги 3 та тўйхонада бахтли оилалар яхши кунларини нишонлашаяпти.

Бизнинг маҳалламиз боғ кўча ва гулзор ҳовлилардан ташкил топган. Аммо бу кўчалар аввалги тор, қийшиқ, чанг кўчалар эмас. Ишонмасангиз, маҳалламизга тонгда келинг. Сулув келинчаклар ва лобар қизлар супуриб, сидириб қўйган кўчаларни кўриб, баҳри дилингиз очилади, ҳар бир эшик олдидаги райҳону атиргуллар ҳидидан маст бўласиз.

Беш фарзандим, қўшалоқ куёвларим, келиним ва набираларим қуршовида мустақилликдек улуғ неъматдан баҳраманд этган Аллоҳга шукроналар қиламан.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,
Тошкент шаҳар,
Собир Раҳимов тумани,
"Чимбой" маҳалла фаоли.

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР МУҲОКАМАСИ

Яқинда Тошкент шаҳар Ҳамза тумани И.Акмалов номли маҳаллада Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар, "Гиёҳванд аёллар ва бу иллатга қарши кураш чоралари", "Болаларда ўткир респиратор касалликлари" мавзуларида, шунингдек, маҳаллалар диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини янада яхшилашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Йиғилишни туман ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси О.Идрисова очиб, Мустақиллик байрами арафасида туманда ва маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Туман прокурори ёрдамчиси С.Холҳўжаев сўзга чиқиб, аёллар ўртасида кўпайиб бораётган гиёҳвандлик ҳолатлари, заҳри қотилни сақлаш ҳамда тарқатишга уринаётганлар ва бу зарарли иллатлардан қутулиш йўллари ҳақида сўзлади. Маърузачи жойларда бундай кўринишларга чек қўйиш учун маҳалла фаоллари тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтиришлари лозимлигини таъкидлади.

Ахборот

Туман ҳудудий бирлашмаси бош шифокори муовини З.Убайдуллаева болаларда меъда-ичак касалликлари ва уларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапирди. Шунингдек, болалар шифокори Г.Ражапова бу касалликлар болаларнинг ифлосланган сувларда чўмилишлари, бир-бирларининг идишларидан фойдаланишлари, муддати эскирган озиқ-овқат ва ширинликларни истеъмол қилишлари, қайнатилмаган сув ичишлари натижасида юзага келаётганлигини мисоллар билан кўрсатди.

Тадбир сўнггида қизғин баҳс ва савол-жавоблар бўлиб ўтди.

САНОБАР

ВАТАН ТУШУНЧАСИ

Бухоро вилояти, Бухоро туманида 29-сонли "Нилуфар" болалар боғчасининг шинам машғулотлар хоналарини, мусиқий тадбирлар ўтадиган залини, қўғирчоқларнинг кичик мамлакатига айланган минитеатрини иштиёқ билан кўздан кечириб чиқарканмиз, расм кўргазмаси, пластилинли ўйинчоқлар, болаларнинг савиясини оширишга хизмат қиладиган кўргазма материаллар бизни мамнун этди. Боғча мудираси Гулчеҳра Шароповага бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

- Мини қўғирчоқ театрингиз борлиги қувонарли. Болаларда унинг таъсирини кузатаяпсизми?

- Рости, қўғирчоқларнинг кўпини тарбиячилар билан ўзимиз тикамиз. Болалар қўғирчоқларни эртаклар шаҳридан келган, деб тасаввур қилишади. Мехрибонлик ва ёвузлик, ўғрилик ва тўғрилик, ҳалол ва ҳаром каби тушунчаларни эртаклар орқали сингдирсак, болаларнинг хотирасида узоқ сақланади.

- Конституцияни ўргатиш бўйича услубий ишларингиз бор экан...

- Бу сабоғимиз жуда оддий. "Бугун ота-онангиз сизни катта қилмоқда, сизга совғалар олиб келади. Сизга кийим-кечак, ширинликлар олиб беради. Бир кун сиз катта бўласиз, ота-онангиз эса кексаяди. Ўшанда уларга сиз суянчиқ бўласиз. Ўғил болалар Ватанни қўриқлайди. Катталар кичикларни авайлайди. Ўғил болалар қизларни ҳимоя қилади",-каби эзгу ғояларни болалар онгига кўрсатмали, қизиқарли усуллар билан сингдиришга ҳаракат қиламиз. - Бу яхши натижалар берганини кўриб ўзимиз қувонамиз.

- Ҳомийларингиз ҳам борми?

- Бухоро туман ҳокимлиги боғчамизга доимий ёрдам кўрсатиб келмоқда. 20 та кам таъминланган оилаларнинг болаларига ҳар йили ҳокимият томонидан бепул йўлланма берилади. Бундан ташқари, байрам совғалари, китоблар ва саёҳатлар учун тўловни ўз зиммасига олган.

- Кейинги беш йил ичида боғчангиздан юқумли касаллик чиқмабди. Бунга қандай эришдингиз?

- Аввало боғчамиз тарбиячи ва мураббийлари ўз вазифасига жуда масъул. Қолаверса, ота-оналар билан ҳам ҳамкорликда ишлаймиз. Уй шароитида озодаликни талаб қиламиз. Бола етти ёшгача оғир юқумли касалликни бошдан кечирмаса ундан келажакда ҳақиқий чемпионлар, олимлар, сиёсатчилар хуллас дунё қиёфасини ўзгартирувчи истеъдодлар етишиб чиқади. Буни биз ҳам, ота-оналар ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

Хилола АБДУЖАББОРОВА

БОҒЧАДАН БОШЛАНАДИ

Маслаҳатчининг маҳорат мактаби

Маҳаллалар ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган маслаҳатчилар бугунги кунда қандай ишларни амалга оширмоқдалар?

Бу ҳақда—Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани маҳаллалари маслаҳатчилари қуйидагиларни гапирдилар.

"Исломобод" маҳалласи маслаҳатчиси Муҳаббат ЗОҲИДОВА:

- "Бир болага етти қўшни ота-она", деганларидек, бугунги ёшларнинг ўй-фикри, ҳаёт тарзи, дарду-истаклари билан дўстлашаман, дардлашаман. Маҳалланинг катта-кичиги оила равнақи, маҳалла келажаги учун тиниб-тинчимайди. Маҳалладаги хайрия ишларига—камбағал, етим-есир ва муҳтожларга эътиборни кучайтирганмиз. Яқинда маҳалладошимиз Файзиева Муҳаббат ҳам боши берк кўчага кириб қолиб, қамалиб, авф этилган эди. Аммо ўрганган кўнгил... Алал оқибат учинчи марта қамалди. Оиласи пароканда бўлиб кетган бу аёлнинг 8 фарзандини маҳалла-кўй бир тану бир жон бўлиб, бағрига, тарбиясига олди. Бундай ҳоллар қайта такрорланмаслиги учун отинойиларимиз ва диний уламолар билан суҳбатларни кучайтирдик.

Ёш авлодни тарбиялашда маҳалла, оила, мактаб ҳамкору ҳамсафлигини янада кучайтирмоқдамиз.

"Янги Белтепа" маҳалла маслаҳатчиси Донохон ФАЙЗИЕВА:

- Маҳалла маслаҳатчиси сифатида ҳар бир хонадон аҳволи, ҳаёт тарзи, нима иш билан шуғулланаётгани билан яқиндан танишман. Ҳаж зиёратидан "Ҳожи" бўлиб келган отахону онахонларимиз билан ёшлар ўртасида савол-жавоб кечалари ўтказиб, ёшлар онгига динимизни тўғри тариғиб қилишга эришдик. Маҳаллада "ҳайит", "чарлар", "бешик тўй"лари ортиқча сарф-харажатсиз замонамизга мос равишда ўтади. Кам таъминланган оилалар, ногирон болалар, касалманд кишилар эътиборимиздан четда қолмайди. Бола тарбиясининг ўчоғи - оилададир. Кўпинча ота-оналарнинг ўзи ҳали фарзанд тарбиясига нўноқлиги сезилади. Яқинда маҳалламиздаги 15 яшар қиз ота-онасининг ажримидан кейин кўчада қолиб, ёмон қизларга қўшилиб кетган эди. Маҳалла, мактаб жамоаси бир ёқадан бош чиқариб, қизни бу йўлдан қайтардик. Ҳозир қиз оила қуриб, маҳалламизда бахтли ҳаёт кечирмоқда. Қизлар "кийиниши", "муомала маданияти" тўғрисида мутахассислар билан тез-тез суҳбатлар ўтказамиз. Шу кунларда уйда ўтирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари ҳақида жиддий ўйлаяпман. Улар ҳам бирор касбнинг бошини тутишса, ҳам оиланинг рўзғори бут, ҳам маҳалланинг корига ярарди.

"Олмазор" маҳалласи маслаҳатчиси Насиба ҚОДИРОВА:

- Азалдан ўзбек хотин-қизлари зардўзлик, чеварчилик касблари билан шуғулланиб келишган. Маҳаллада "зардўзлик" кичик корхонаси очдим. Бир томондан ишсиз хотин-қизлар учун ишчи ўрин яратилган бўлса, иккинчи томондан маҳсулотларимизнинг бозори чақкон бўлиб, оиларнинг моддий таъминотини кўтараяпти. Хотин-қизларимиз муаммоларини юқоридан нажот кутиб ўтирмасдан, маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар раиси билан ҳамкорликда ҳал қиламиз. Оналар қизларнинг саломатлиги, гигиенаси ҳақида қайғуриб, оилавий ҳаётга тайёрлаб борадилар. Маҳаллада диний ташвиқот ишлари тўғри йўлга қўйилган. Ёшлар спорт билан шуғулланишлари учун имконият мавжуд.

Маҳалла маслаҳатчилари диний билимни тўлиқроқ эгаллашлари учун ўқув курслари ташкил этилишини, маслаҳатчининг иш фаолияти газетада мунтазам ёритиб борилишини илтимос қилишди. Биз ҳам ўз навбатида уларнинг юксак ниятлари амалга ошишига камарбаста эканлигимизни дилдан ҳис этиб, улар билан хайрлашдик.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.
Сувратчи: О. НУРМАМАТОВ

ТОҒНИ БАЛАНД ДЕМА...

Аёллар ҳақида ҳикоялар

Ҳавохон Икромова мана 14 йилдирки, Наманган туман ФҲДЁ бўлимини бошқараяпти. Одамлар қувончини ҳам, андуҳини ҳам Ҳавохон опа билан бўлишадилар. Оилада янги меҳмон дунёга келганида, икки дил пайванд бўлса, оғири... қадрдони бу оламни тарк этганида ФҲДЁ бўлими бошлиғини йўқлашади. Бошлиқнинг эса ҳар бир инсонга муносабати, ёндашуви ўзгача. Ёшларга 1 ой синов муддати белгиларкан, уларни тиббий кўрикдан ўтишга, бўлим қошида турмушга тайёрловчи курсга жалб этади. Курсда эса руҳшунослар, шифокорлар ва маҳалла фаоллари илмий ва ҳаётий сабоқ беришади. Келин-куёвни бўлажак турмуш ўртоғининг уйидаги "иқлим"га ва катта ҳаётга тайёрлайдилар. Ҳавохон опа эндиликда бу курсга қайнонакайноталарни ҳам жалб этишни кўзда тутган. Пойдевор мустаҳкам бўлса, эртага "сўнгги пушаймон"га ҳожат қолмайди. "Мансабдорнинг ҳам, фаррошнинг ҳам оғиренгил куни бор, кўнгли бор, болам. Ҳеч кимнинг кўнглини оғритмагин. Қўлингдаги бир сўмга муҳтож одам келса, ярмини бергин", - дея кўп таъкидлайдилар 82 ёшли онаизори Мингтилла ая. Отаси (раҳматлик) Икромбой ота билан 5 фарзандни оёққа қўйишган.

Ҳавохон Икромова тадбиркорлик билан ҳам шуғулланади. - 55 гектар ер олдим, - дейди Ҳавохон Икромова. - Тушган даромадлардан шийпон қурдик. Трактор олдик. Маҳалламизда 25 оилани ишга жалб қилиб, ерга буғдой ва пахта экдим. Буғдойдан 70 тонна, пахтадан 88 тонна ҳосил олдик. Жамоага вақти-вақти билан ёғ, буғдой ҳам тарқатамиз. Бу орада маҳалладаги бошқа кам таъминланган оилаларни ҳам қўллаймиз. 8-9 йилдан буён қаровсиз ётган бинони таъмирлаб, тикувчилик салони очдик. 2 қизим (4 қиз 1 ўғлим бор) чеварларга устозлик қилишаяпти.

Худога шукр, турмуш ўртоғим Халил ака (врач) мени ҳар томонлама қўллайдилар. Фарзандларни вояга етказиб, элга қўшгунимизча қайнонам Рисликҳон (раҳматлик) онагинамнинг хизматлари катта бўлди.

Ҳавохон опанинг шиддатини кўриб, ҳавасим келди.

"Тоғни баланд дема,
Топа билсанг чиқарсан,
Ёвни кучли дема,
Гайрат қилсанг, йиқарсан",

- деб бежиз айтишмаганлигига амин бўлдим.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Тошкентдаги "Алгоритм" болалар ёзги дам олиш оромгоҳида "Экосан Оролбўйи болаларига" шиори остида хайрия тадбири ўтказилди. Унда "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Ю. Шодиметов, Туркиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (ТИКА)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Фарук Ўйсал иштирок этди.

"Экосан" халқаро ташкилоти "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида Тошкент ва Тошкент вилоятидаги соғломлаштириш оромгоҳларида Оролбўйи минтақасидан келиб дам олаётган болаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида турли хайрия тадбирлари, учрашувлар, экофестивалар ташкил этиб келмоқда.

Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси қарорига асосан ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили"га бағишланган "Соғлом муҳит—соғлом авлод гарови" мақсадли дастур доирасида ташкил этилмоқда.

"Алгоритм" оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасидан келган 200 нафар болалар дам олишмоқда. Улар иштирокида концерт дастури, болалар спартакиадаси ташкил этилиб ҳар бирига спорт кийимлари топширилди.

Ёзги дам олиш оромгоҳларидан энг намунали, болалар орасида машҳур ва ҳар йили республикамизнинг турли бурчакларидан минглаб болалар келиб дам олаётган оромгоҳларидан бири ҳисобланган "Алгоритм" оромгоҳига болалар спортини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "ЭКОСАН" ҳамда ТИКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан турли хил спорт инвентарлари, санитария гигиена моллари топширилди.

"Туркистон -пресс"

СОВҒАГА «ДАМАС»

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги байрами ҳамда «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан Республика шошилинч тиббий маркази вилоят бўлимига совға тариқасида ўнта «Дамас» машинаси берилди.

— Бундай эътибор ҳамда совғадан бошимиз кўкка етди, — деди марказ раҳбари Мейликул Ҳусанов. — Шу йилнинг ўзида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бўлим ва хоналар замонавий асбобускуналар билан жиҳозланди. Ўн нафар шифокор хорижда малака ошириб қайтди. Бундай ўзгаришларни соҳадаги ислоҳотлар самараси деб ҳисоблаймиз. Буларнинг бари беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишга замин яратади.

Маҳбуба ОДИЛОВА,
«Туркистон-пресс»

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Қирқулидаги «Нефтчи» маданият саройида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб «Корхона-оила-маҳалла-жамият» мавзусида маданият ва спорт фестивали ўтказилди.

Машварат даставвал болалар иштирокида асфальтга расм чизиш баҳслари билан бошланди. «Биз тинчликни истаймиз» шиори остида майдонга тушган кичик мусаввирлар олтин тупроқ узра нур сочаётган бобо қуёш, давлатимиз рамзлари, сахий табиат неъматлари, муҳташам қурилиш иншоотларини болаларча беғубор тасаввурлари билан уйғунлаштириб беришди. Ғоят қизиқарли кечган баҳсда мавзедаги 56-маҳалла вакили Андрей Прежимицкий ғолиб бўлди.

Югуриш бўйича ўтказилган ҳаваскор марафон ва эстафетачилар баҳси беш йўналишда бўлиб ўтди. Эпчиллик ва чаққонликни мадҳ этувчи енгил атлетикачилар баҳсида корхона ишчиси Николай Чесноковга тенг келадиганлар топилмади. Маданият ва спорт тадбирлари корхона умумий овқатланиш шаҳобчасида ҳам давом этди. Шу куни корхонада ишлаб оила қурган ёш келин-куёвлар шарафига дастурхон ёзилиб, эсдалик совғалари топширилди. Қизиқарли тадбир «Нефтчи» спорт мажмуасида минглаб томошабинлар иштирокидаги катта концерт билан поёнига етди.

— Жамоада илғор бўлган ишчи, маҳаллада ҳам фаол, барчага ўрнак, ҳурмат-иззатга лойиқ инсон бўлиши керак,—дейди корхона директори М.Эргашев. Тадбирнинг асосий мақсади ҳам корхона, маҳалла, ишчилар ва уларнинг оила аъзолари уйғунлигини таъминлаш, бир ёқадан бош чиқариб, бир мақсад сари интилиш, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Расул КАМОЛ,
«Туркистон-пресс»

ХОТИНСИЗ ЯШАШ ҚИЙИН

Инсон тирикликда кўп нарсанинг фарқига бормас экан. Аёлим оламдан ўтдию, ҳаётим ит ётишу мирза туриш бўлиб қолди. Энг ёмони — ўзинг ёлғиз қоласан, кунинг зерикарли ўтар экан. Устинг оқармайди, овқатинг вақтида пишмайди, кўп умринг кўчада ўтадиган бўлиб қолар экан.

Аёл уйимиз фариштаси, хонадонни ёритиб турувчи чироғи, эркакнинг таянчи, болаларининг қувончи, суянчи эканлигини унутманг. Аёл бўлмаган уй фариштасиз, қоронғу, ифлос, ҳувиллаган бўлиб қолади. Шу сабаб бўлса керак ота-боболаримиз: "Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин", - дейишган. Хотини йўқ эркакнинг уйида фароғати бўлмайди, кунутуни зерикарли, қайғули ўтади, кўп касалликка чалиниб, дарвешсифат бўлиб қолади, умри қисқаради.

Тажрибадан келиб чиқиб айтаманки, доимо биринчи ёрингизни эъзозланг, қадрига етинг, ардоқланг.

Ҳеч қайси эркакни иккинчи хотинга муҳтож қилмасин экан. Улар сизга хотин бўлмасданоқ шарт қўяди. Шартга асосан янги хотинга уйингизни, машинангизни номига ўтказиб берасиз.

Биринчи хотинни менсимаган бўлсангиз, иккинчисига ёлвориб яшайсиз, айтганларини олиб берасиз.

Маҳалламиздаги биринчи хотинидан ажрашган икки эркакнинг кўрган кунини айтиб берай. Бири икки бора уйланди. Биринчи хотини ниҳоятда одобли, келишган аёл бўлишига қарамай, фарзандларини ўғрига чиқариб ҳайдашди. Иккинчи бор уйланган эди, янги келин 3-4 ой яшаб, тилло балдоқ, узуқ, тиш солдирди. Охири бор-шудини ўғирлаб жуфтакни ростлаб қочиб қолди.

Иккинчиси 3-4 бора уйланди. Охири ўзи ётиб қолди. Уйланавериб, ҳурмати кетдими, ўғиллар, келинлар қарамай қўйди, бир уйда якка-ёлғиз яшади. Ҳатто вафот этганини, қандай жон берганини ҳеч ким билмай қолди.

Хулоса қилиб айтганда, эркакнинг бахту тахти аёл ҳисобланади. Агар уйингда аёл бўлмас экан, хонадонинг бефайз, зимистон бўлади. Билингки, аёл қадрига етмаган эр охири хору зорликда ўтади.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган шеърим ҳам ана шу ҳақда...

Эркак ҳеч тул бўлмасин,
Ранг-рўйи кул бўлмасин,
Кўчада гадо бўлиб,
Сўраганн пул бўлмасин.
Хотинсиз яшаш қийин,
Хотин бўлса, сен суйин.

Хотинсиз яшаш оғир,
Бошинг бўлади сағир,
Ўзинг қоласан ёлғиз,
Ширин сўз йўқ бир оғиз,
Хотинсиз яшаш қийин,
Ёринг бўлса сен суйин.

Йўқ бўлса агар "асалинг",
Кўпаяди касалинг,
Топилмаса ҳамсуҳбат,
Охири қолмас тоқатинг,
Хотинсиз яшаш қийин,
Ҳамроҳинг бўлса суйин.

Бекор умринг ўтади,
Охири ҳурмат кетади,
Хотин бўлмаса агар,
Ким қадрингга етади,
Хотин бўлмаса қийин,
Борми, доим сен суйин.

Ўғил кетар уйига,
Келин қарар қўйига,
Ҳаммада юмуш бисёр,
Қизлар борар тўйига,
Хотинсиз яшаш қийин,
Гар бўлса доим суйин.

Пишмай қолар овқатинг,
Охир қолмас тоқатинг,
"Ит ётиш - мирза туриш".
Ҳечам бўлмас роҳатинг,
Хотинсиз яшаш қийин,
Ёр бўлса доим суйин.

Якка яшар Нурматинг,
Хотинсиз йўқ ҳурматинг,
Аллоҳ, сендан илтимос,
Тул қолмасин умматинг,
Хотинсиз яшаш қийин,
Хотин бўлса сен суйин.

Нурмат ҲАЙДАРОВ,
Фарғона вилояти, Ёзёвон
тумани, Сойбўйи қишлоғи.



ҲАҚИҚАТ СИНМАЙДИ

Тўртта фарзандим бор. Оилам билан иноқ яшаймиз. Қарийб ўттиз йиллик стажга эгаман. Ўн олти йилдан буён эса бир корхонада Тўрткўл нефтебаза УКда оператор бўлиб ишлаб келаётгандим. Кутилмаганда 2005 йил 9 феврал куни мени бесабаб штат қисқартириш баҳонасида ишдан бўшатишди. Номига тўртта кишини ишдан бўшатиб, мендан бошқа қолган учталасини яна қайта қабул қилишди. Мен ҳақиқатни талаб қилиб, раҳбариятга мурожаат қилдим. Афсуски, улар ноҳақ бўшатилган мени эмас, амали бор одамнинг тарафини олишди. Мен бир-икки мажлисда ишдаги хатоликлар ҳақида гапирган эдим. Кўп ўтмай ўрним қисқарди. Ҳамкасбларимдан бири: "Турдибой, сен раҳбарлар билан келишиб ишласанг бўлмайдими? Сенинг ўрнингга ишга бошқани қабул қилишаяпти", - деди. Мен буни қила олмаслигимни, мабодо улар мени ишдан бўшатишса ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилишимни, ҳақиқат ахир бир кун қарор топишини айтдим.

Худди билганимдек, иш фуқаролик судигача бориб етди ва охири ҳақиқат қарор топди. Лекин раҳбарим бир йўлини қилиб, бу суд ҳукмини бекор қилишини сўраб, аппеляция аризаси билан Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича олий судининг раиси П.Айтниязовга ва у раҳбарлик қилаётган жамоага газета орқали оилам номидан чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Турдибой КУЗДИБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Тўрткўл тумани.

Ривоят қилишларича, ёлғиз аёлгина бу ёруғ оламда мукаммалликдан яратилган экан. Шу боис у эркакларга ўхшаб мукаммаллик ахтариб олам кезмас, аксинча, мукаммалликни оиласида яратар экан. Турмуш ўртоғи хотиржамлиги, фарзандлари бахтини таъминларкан. Шундай экан, зиммамиздаги асосий вазифа фарзандларимизнинг баркамол тарбияси бўлиши керак.

Ёшгина ён қўшнимиз бор. Жуда хушмуомала, уй бекаси. Уч фарзандининг онаси. Тунов куни

Аёл, энг аввало она...

ёнимга чиқди.

- Уч кундан буён ўғлим аллақандай лашкарбоши Жалолиддин ҳақида иншо ёзишворинг, дейди. Бизнинг давримизда унинг тўғрисида гаплар бўлмаган, мен қаердан билай, - дейди у.

- Наҳотки, ўғлингизга адаш бўлган бу улуғ зотни танимасангиз? Ўғлингизга бу исмни ким қўйган? - сўрайман қўшнимдан.

- Дадам қўйганлар. Нега бундай исм қўйганларини сўрамаган эканман, - кулади у. - Сиз журналистсиз, ўғлимга ёрдамлашворинг.

- Хоразмшох Жалолиддин Мангуберди Чингизхон лашкарини даҳшатга солган жасур саркарда - хоҳласангиз у ҳақда мақолалар ёзилган газета-журналларни бериб тураман, ўқиб чиқинг, - дедим.

- Газета ўқишга вақтим бор эканми? Телевизор кўрсам, радио эшитсам... Ҳа, майли бераверинг-чи...

Мен ҳар ҳолда газетани олди-ку, деб хурсанд бўлдим...

- Иншони ёздиларингми? - сўрадим қўшним газеталарни қайтарган куни.

- Ўзига бердим, ёзибди, "тўрт" олибди, - деди у бепарво.

- Агар сиз гапириб берганингизда "беш" оларди, - дедим ҳазиллашиб. Лекин у чиқиб кетгач, дилимда бир оғриқ туйдим.

Назирахоннинг ўзи нега ҳеч газета-журнал ўқимас экан-а?..

Наҳотки вақти етмаса?! Йўғ-е! Ҳеч қаерда ишламайди. Вақти бемалол!

Назаримда ҳамма гап ўша бемалолликда! Шунинг учун ҳам улар вақтнинг қадрига етмайдилар. Соатлаб кўчада гурунглашиб туришади. Қанча вақтларини ҳавога совуришади. Негаки, гурунг мавзуси ҳам кундалик рўзғор ташвишлари-ю, сериаллар ҳақида бўлади.

* * *

Мен ҳар куни шу кўчадан ишга ўтаман. Ҳар ўтганимда уч-тўрт қўшни аёл гаплашиб турган бўлишади.

- Сизга маза, эрталаб кетиб, кечқурун келасиз, - дейди бири.

- Қизлардай ўзингизга қараб, чиройли бўлиб юрасиз-а, - дейди яна бири.

- Сизга ҳавасим келади, шаҳарни кўриб келасиз, - дейди яна бири.

- Мени эса сизларга ҳавасим келади, ҳеч қаёққа шошмайсиз. Бемалол уй юмушларини қилиб, болаларингизни оғзига ёқадиган таомларни пиширириб ўтирасизлар, - дейман мен.

- Э, нимамизга ҳавас қиласиз, шунча иш қилсак ҳам уйдагиларга ёқмаймиз. Тағин қилган ишимизни ҳам айтиб беролмаймиз. Уйда ўтириш зерикарли, - дейишади улар бараварига ғужурлашиб.

"Сизга ҳавасим келади"! Қўшни аёлларнинг бу гапи қулоғим остида ёқимли жаранглайди. Аммо бу ҳавасга мен, менгина эмас барча ишлайдиган аёллар қанчалик машаққатлар эвазига эришишларини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Ишлайдиган аёл... Унинг нозик қоматига бу юкнинг залвори жуда оғир. Ишлайдиган аёл ўша ишламайдиган аёлнинг эрталабдан кечгача қиладиган иши — ҳовли, уйини тозалаш, қайнота-қайнонасининг кўнглини олиш, нонуштага оғзига ёқадиган таом тайёрлаш, хўжайини, болаларини ишига, ўқишига ораста қилиб жўнатиш, бу юмушлардан ортиб, ўзи ҳам ораста бўлиб, ишга вақтида етиб боришни эрталаб, иккиуч соат ичида уддалаши керак. Бунинг эса ўзи бўлмайди. Бунинг учун ишлайдиган аёлнинг юраги дарёдай кенг, оёқлари шамолдай учқур, қўли гул, тили асал, мияси эса компьютердай тезкор бўлиши, битта жони мингга бўлиниши керак. Уйдаги ташвишини остонада қолдириб, ишхонага ишчан ходим бўлиб кириши керак. Ўз касбининг, эгаллаган лавозимининг устаси бўлиши учун ўз устида тинимсиз ишлаши, жамоадошлари билан тил топиша олиши керак. Агарда шу талабларни уддалай олмаса, унда у на тарбияли болалар онаси, на тузукроқ уй бекаси, на яхшироқ ходим бўла олмайди.

"Мана фалончи ишлайман деб, болаларини қаровсиз қолдирди, оқибати..." - деган гапни эшитишдан худо асрасин. Устозларим Ҳолида опа Аҳророва, Яйра опа Саъдуллаеваларга ҳавасим келади. Улар эртадан кечгача ишхонада бўлишарди. Аммо фарзандларини гулдек қилиб тарбиялашди. Негаки Аёл биринчи ўринда она эканлигини унутмаслиги керак. Фарзанд илк тарбияни онадан олади. Онани ўзига ўрнак деб билади. Энди эсини таниётган пайтларида улар учун оналаридан ақллироқ, оналаридан гўзалроқ инсон йўқдек туюлади. Ана шу тарбиянинг эса нозик пайти, тарбияга ўша пайтда пойдевор қўйилади. Она буни унутмаслиги керак. Қайнонасидан, хўжайинидан хафа бўлганини ҳам болага сездирмаслиги, оиланинг барча-барча яхши томонларни боласига юқтириши лозим. Кейинроқ бола ақлга тўлиб борган сари яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиб бораверади. Ишлайдиган аёл шу масъулиятни уй бекасидан чуқурроқ англайди.

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

Бу фикрларим билан ишламайдиган аёл жамият учун фойда бермайди, деган фикрдан мутлақо йироқман. Чунки улар аёл киши бажариши керак бўлган асосий вазифа — фарзандни камолга етказяпти. Аммо ана шу фарзанд тарбияси энг масъулиятли иш. Бу шарафли ишни бажараётган ҳар бир она энг аввало ниҳоятда билимдон бўлиши керак. Араб давлатларида қиз бола турмушга чиққач, ишламасдан уйда ўтирар экан. Асосий иши фарзанд тарбияси бўларкан. У ўзидаги билим ва истеъдодини фарзандларига ўтказар экан. Бизнинг уй бекалари ҳам бўш вақтларида кўпроқ бадиий китоб ўқисалар, газета-журналлар орқали замон тараққиётидан хабардор бўлиб борсалар болаларини қизиқтирган ҳар қандай саволга жавоб бера оладиган бўладилар, ўзлари учун ҳам қизиқарли олам кашф этади, ҳаёт кўзларига бошқачароқ кўринади.

Болаларимизга ҳаётга, юртга муҳаббат она сути, она алласи билан киради дейишади. Агар кўҳлик қўшним Мангуберди ҳақида ўғлига чиройли қилиб, тўлқинланиб гапириб берганида ўғли ўз исмидан фахрланган, Мангубердига ўхшашни дил-дилига туккан бўларди.

Биз болаларни тўғри тарбиялаш билан Ватанимиз истиқболига замин яратган бўламиз. Эрта бир кун улар камолга етиб, ўз истеъдоди, саховати билан Ватан номини дунёга танитса, юртига раҳмат келтирса, "Сени туққан онангга раҳмат", деган дуо олса, бу бизнинг Ватанимизга, унинг меҳрига берган жавобимиз, миллатга келтирган ифтихоримиз бўлади. Зеро, биз ўз фарзандимиз орқали миллатни тарбиялаган бўламиз.

Муҳаббат ҲАМИДОВА

ЮРАГИМГА ҚАРШИ ЯШОЛМАЙМАН

Хонамга ўрта ёшли, қорачадан келган, истарали бир жувон тортинибгина кириб келди. Салом-аликдан сўнг ўзини "Мастурахонман", деб таништирди-да дардига шерик, бир илинж истаб юрагини очди.

- Эрим билан ажрашганимда қизим Гулчирой 3 ойлик эди. Етимнинг кўнгли ўксимасин, деб ҳамма уни кўнглига, раъйига қарарди. Ўзим ишлаб, ҳеч нарсадан зориқтирмай, ҳам ота, ҳам она бўлиб ўстирдим. Оқибатда эрка-тантиқ ўсди. Ҳаётимнинг ўттиз бешида ўзимдек оиласидан тинмаган, ҳаётнинг оқ-қорасини таниган бир эркак билан танишиб, оила қуришга аҳдлашдик. Ўшанда Гулчирой 14 ёшда эди. 4 йилдирки қизим ўгай отаси билан чиқишмайди. Муносабатлари шунга бориб етдики, қизим: «Бир ойни ичида ё мени дейсиз, ёки у одамни. Бўлмаса мен уйдан кетаман», деб оғир шарт қўйди. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Қайси бармоғимни тишласам экан?



- Қизингизни феъл-атворини била туриб... қолаверса, 14 йил отасиз ўсган қиз бегона одамга кўниколмаслиги табиий-да,-дейман мен.

- Қизим бошида ҳаммасига рози бўлган. Ўгай отасини "дада" демаса-да муносабатлари яхши эди. Гоҳида ўз отасининг уйига излаб боришлари ўгай отасига оғир ботди, албатта. Аста-секин улар ўртадаги девор баландлашаверди. Қизим ўгай отасини кўрмаслик учун ишдан қайтиши арафасида турли баҳоналар тўқиб дугоналариникига кетиб қоладиган одат чиқарди. Эрим—Лазиз ака эса ҳурматимни риштирибди. Уйини топгач мендан яширинча отасиникига борган экан. Отаси унга пул беролмаслигини, ундай қизи йўқлигини айтибди. Қизим: "Ота менга пул керак эмас, мендан розимисиз?" деган экан,- "Агар мени бошқа безовта қилмасанг, сендан рози бўламан",-дебди номард. Шундан бери қизим отасининг борйўқлигига қизиқмай қолди. Қизимнинг мучал тўйи ҳам отасиз ўтди. Унга ўгай отаси инсофли одам эканлигини ҳар қанча тушунтирмай: "ҳамма ота-ни сиқмайлик-да, бировдан қарз олиб жойига қўйиб қўяйлик, кейин қарздан қутилишни иложини қиламиз, дейишди. Бир хаёлим, уйга ўғри кириб, 700 доллар олиб чиқиб кетибди деб айтсамми, ахир қарзни тўлашни ўзи бўлмайди, деб ўйладим, аммо эримнинг ҳам соғлиғидан кўрқдим ва болаларим айтганидек қилдик.

- У аёлдан бошқа дарак бўлмадими?

- Йўқ. Энди ўйласам, ўша ҳижобли аёл "Олой"га боришга эринган-да, қайтиб келиб, ҳижобли аёлни уйимга бошлаб келдим. Аёл тўхтовсиз гапирарди: "Менинг уй манзилим ва телефонимни ҳам ёзиб олинг, опажон, бу тиллалар менга онамерос эди, ҳеч сотгим йўқ. Иложи бўлса эртагаёқ келиб пулингизни қайтариб бериб, омонатимни олиб кетаман", деди. Мен унга совуқ чой тутиб, албатта келса қайтариб беришимни айтдим.

Мастура опа билан суҳбатимиз анчагача чўзилди. Дардларини эшитиб дилимга аллақандай ғашлик чўкди. Дил изҳорини газетага чиқаришимизни ўтиниб сўради. Азизлар, сиз бунга нима дейсиз?

Адиба УМИРОВА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

ҲИЖОБ КИЙГАН ФИРИБГАР

- Ҳозир пенсиядаман, аммо уйда ўтириб зерикканимдан "Фарҳод" бозорида памидор сотардим, дея ташрифи сабабини тушунтира бошлади аёл. - Бир куни чарчаб бозордан қайтаётганимда уйимиз ёнидаги идорада қоровуллик қилиб ўтирадиган аёл чақириб қолди. "Мана бу қиз тилла сотармиш, пул зарил бўлиб қопди", - деди ёнидаги қўлида докага ўралган тугунчани қисиб олган, бўй етган қизни кўрсатиб "Ана у ерда опам ҳам турибди, ҳозир чақираман", - дея қиз югуриб кетди ва келишган, ҳижоб кийиб олган аёлни бошлаб келди. Аёл мен билан кўришар-кўришмас: "Опажон, сизни менга меҳрибон Оллоҳимнинг ўзи етказди. Мен Бекободдан Орипова Нигора бўламан. Шу ерда турадиган Шоира исмли аёлни қидириб келгандим. Бошимга ташвиш тушиб қолди. "Ўрикзор"да "точка"миз бор эди. Товар олиб келаётганда ўғлим қўлга тушибди, акциз маркаси йўқ сигарет эди. "Давлатга ўтказиб юборамиз", - дейишаяпти. Мол кетса майли, аммо "Нексия"сини ҳам олиб қўйишмоқчи. Ҳозир минг доллар олиб бориб бермасам бўлмайди. Шунинг учун мана бу иккита "тросс"ни олинг-да, менга 500-600 доллар топиб беринг", - дея ялина бошлади. Аёл шунчалар изтироб билан сўзлар эдики, беихтиёр унга ёрдам бергингиз келади. "Бир инсоннинг ҳожатини чиқарган ҳам яхши, қолаверса қўлидаги тилла тақинчоқ анчайин қиммат кўринади", деган хаёлга бордим ва ўғлимнинг тўйи учун йиғаётган даромадимиздан 500 доллар бериб, сотиб олишга рози бўлдим. Фақат унинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиш учун текширтириб олишимни айтдим. Шунда у аёл қизини менга қўшиб юборди. Биз бозор яқинидаги тилла тақинчоқлар сотадиган магазинга бордик. У ердаги текширувчи киши, занжирларнинг ёпиладиган жойини кўздан кечирди-да: "Тилла, 50 граммдан. Янаям ишонч ҳосил қилиш учун "Олой" бозорига боринг, у ерда аниқ айтиб беришади.", деди. Мен эса "Олой"га боришга эринган-да, қайтиб келиб, ҳижобли аёлни уйимга бошлаб келдим. Аёл тўхтовсиз гапирарди: "Менинг уй манзилим ва телефонимни ҳам ёзиб олинг, опажон, бу тиллалар менга онамерос эди, ҳеч сотгим йўқ. Иложи бўлса эртагаёқ келиб пулингизни қайтариб бериб, омонатимни олиб кетаман", деди. Мен унга совуқ чой тутиб, албатта келса қайтариб беришимни айтдим.

У ўтириб олиб, мени узоқ дуо қилди ва мен билан ваъдалашиб чиқиб кетди. Орадан бир кун ўтди, икки кун... Юрагимга ваҳима туша бошлади: "Яхшилаб текширтирмадим, яна алдаб кетган бўлса-я!" Тезда берган телефонига қўнғироқ қилдим. Қисқа гудок. Кейин айтган манзил бўйича излаб бордим, унақа уй ҳам, Нигора Орипова деган аёл ҳам йўқ экан. Талвасага тушиб қолдим ва занжирларни олиб "Олой" бозорига келдим. У ерда кекса бир отахон - неча йиллик моҳир текширувчи ишларкан. Занжирларни олди-ю, қандайдир суюқликка солди ва бояги сарғиш ялтиллаб турган тақинчоқ қора рангга айланди-қолди. Шунда отахон: "Қизим, фирибгарнинг қўлига тушибсан, бунинг фақат боғланадиган жойи тилла, қолган жойи темир, ким ишлаган бўлсаям, аммо ўта усталик билан ишлабди", - дея занжирларни қайтариб берди. Менинг эса қулоғим чирт битган, кўзим ҳеч нарсани кўрмасди. Бир аҳволда уйга етиб келдим. Бир ой тўшакка михланиб қолдим. Уйдагиларга юрагимни мазаси бўлмаяпти, дедим.

- Уйда сиздан бошқаси бу воқеадан хабардормиди?

- Фақат ўғилларимга айтдим, адаси бехабар. Ахир у пуллар хўжайинимники эди-да. Нима қилишимни билмай ўғилларимга айтдим. Улар бўлар иш бўлди, энди адамга айтиб, уларни ҳам юрагимни сиқмайлик-да, бировдан қарз олиб жойига қўйиб қўяйлик, кейин қарздан қутилишни иложини қиламиз, дейишди. Бир хаёлим, уйга ўғри кириб, 700 доллар олиб чиқиб кетибди деб айтсамми, ахир қарзни тўлашни ўзи бўлмайди, деб ўйладим, аммо эримнинг ҳам соғлиғидан кўрқдим ва болаларим айтганидек қилдик.

- У аёлдан бошқа дарак бўлмадими?

- Йўқ. Энди ўйласам, ўша ҳижобли аёл ёнидаги қиз билан тил бириктирган экан. Ҳеч кимни излаб ҳам келмаган, ҳеч қанақа моли ҳам бўлмаган. Мақсад фақат менга ўхшаганни тушуриш бўлган. Айтишларича сохта тиллани докага ўраса қорайиб кетмас экан. Бунчалар устамон бу фирибгарлар. Мана орадан бир ярим ой ўтди. Қаттиқ изтироб исканжасида касалхонада даволаниб ҳам чиқдим. Энди ўзимга келиб ёнингизга келдим. Ўша фирибгар зора, газетадан ўқиб виждони қийналса-ю, келиб қолса.

- Ундай инсонда виждон нима қилсин, аввало айб ўзингиздан ўтган. Нима бўлгандаям, дуч келганга шунча пулни бериб юборишдан олдин, чуқур ўйлаш керак эди.

- Тўғри айтдингиз. Аммо менинг ақлимни тақинчоқлар эмас, у аёлнинг изиллаб йиғлаши олди. Кейин мусофир экан, ҳижобдаги аёл ёлғон гапирмайди, деб ҳужатини чиқармоқчи бўлдим.

У аёл мени алдади, лекин Оллоҳни алдолмайди. Майли, пулнинг ўрни тўлар, лекин бу воқеани юртдошларимизга айтиб бермоқчи бўлганимнинг сабаби, уларнинг фикрини билмоқчи эдим.

Сиз нима дейсиз? Фикрингизни кутаман азиз ватандош.

Матлуба ШУКУРОВА

ИГНА-ИП

Қулоққа чалинган гаплар

қаерда туради?

Чилонзор метросига кираверишда бир кампирнинг тугунини кўтаришимга тўғри келди. Тугун ҳам зилдек экан.

- Бувижон, тугун кўтариб қаердан келаяпсиз? Мабодо, совчиликка борганингиз йўқми? - дея ҳазиллашдим. Кампир эса :

- Ростдан ҳам совчиликка боргандим. Шу ердан келаётгандим, ўргилай! - деди "Уф" тортиб.

- Келин унамадими, дейман. Тугунни яна кўтариб қайтибсиз?

- Йўқ, келин ҳам, унинг ота-онаси ҳам жон деб туришганди. Ўзим айнидим. Бўлмаса, келин тузук, чиройликкина экан...

- Келинни олдин кўрганмидингиз?

- Йўғ-а, қаердан ҳам кўрардим? Чой дамлаб кирсин, бир кўрай, дедим-да. Кейин чойнак кўтариб кириб келди. Жуда кўҳликкина экан, менга ёқди, аммо, уни келин қила олмайман. Афсус...

- Бирор айбини билиб қолдингизми ёки...

- Айбими?... - кампир бир зум ўйланиб қолди. Сўнг шаддотлик билан:

- Ўқиган экан, одоби ҳам жойида. Бироқ оиланинг қандайлигини арзимаган ишлардан билиб олиш мумкин. Қайнонам мени қандай синаган бўлса мен ҳам шундай қилдим. Қайнонамнинг жойи жаннатда бўлсин. У сира адашмаган экан. Ўғилларим танлаган қизларникига совчи бўлиб борганимда ҳаммага ўхшаб ошхонасини, хожатхонасини кириб кўрмадим.

Енгимни бир жойини сўкиб қўйиб игна-ип сўрардим. Уйдагилар игна-ип излаб бир соат йўқ бўлиб кетдими, унда билаверинг-ки, бу уйда сариштаслик йўқ. Бу хонадоннинг қизларидан эпли-сепли хотин чиқмайди. Кейин эса қайчи сўрайман. У жонивор ҳам ҳамманикида тайинли жойда турмайди-да, кўпинча. Совчи бўлиб борган жойим жуда бадавлат кишилар экан. Набирам шуларнинг қизи билан танишган экан. Ўзи бонкада ишлайди. Хорижда ўқиб келган. Қиз ҳам шунга яраша жойда ишлайди. Аммо, кўчада ўқиб, ишлаб юрган қиз уйдаги саранжомликни ҳам эплаши, ўрганиши керак-да, шундай эмасми? Тўрт ўғлимга оддий, ишчи оилалардан келин қилдим. Совчиликка борганимда игна-ип ва қайчи сўраганимда улар бежиримгина қутичага солинган, ҳаммаси тартиб билан жойлаштирилган анжомларни кўтариб келишди. Шукр, мана ҳозир ана шу ораста келинларимнинг даврида яйраб юрибман. Набирагинамга ҳам ана шунақа қизлардан келин қилсам дегандим... Энди набирам ҳафа бўлса керак. Аммо на чора, ўз айтганимдан қолмайман. Эрни бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам ораста, саранжом-сариштя хотин бўлади. Шунинг учун тугунимни бўшатгирмадим.

- Айниганингизнинг сабабини билмай, ўсал бўлиб қолишган бўлса керак-а?

- Нега энди, айниганимнинг сабабини рўйи-рост айтдим. Эр қизарди, хотиннинг ранги оқарди. Шуларни деб енгимни сўкканим қолди,- деди кампир бамайлихотир.

Кампирга бир оғиз ҳам норозилик билдира олмадим. Чунки унинг айтганлари ҳақ эди.

ГУЛБАШАКАР

ҲАЁТИМИЗДА ЯХШИЛАР КЎП

"Бу ёмонликми?" - 28-сон

ЭСЛАТМА: Автомашинам билан тўқнашиб кетган автомашина эгаси ҳодиса жойидан ўзи йўловчи машинада ўғли билан касалхонага етиб келган. Енгил жароҳат туфайли 10 кун даволаниб касалхонадан чиқиб кетишди. Биз ёнма-ён хонада эдик. Лекин, бирор марта ҳам холимни сўрамади.

Муаллиф: М. ТОШҚЎЗИЕВ.

Бағдодлик Мухторжон Тошқўзиевнинг бошидан кечирганларини ўқирканман, ҳаётимизда яхшилик ва ёмонликни ҳар қадамда учратиш мумкинлиги ҳақида хаёл сурдим. Аммо барибир дунёда яхшилар ва яхшилик кўпроқ деган хулосага келдим.

Инсонларга яхшилик қилиб яшайдиган кишилардан бири қўшни Қаҳрамон қишлоқлик Бозорбой Қурбонов бўлади.

Бундан икки йил муқаддам Бозорбойнинг 22 яшар қизини "Тико" автомашинаси уриб кетади. Эрталаб тонг қоронғусида йўл бекатида бозорга бориш учун турган жувон оғир жароҳат олади. Ҳайдовчи дарҳол машинасини тўхтатиб, жувонни вилоят шошилинч ёрдам кўрсатиш марказига олиб боради. Тиббиёт ходимлари унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун барча чораларни кўришади. Жувон 17 кун ҳаёт ва ўлим орасида ётади. Шу кунлар мобайнида жувоннинг ота-онаси, турмуш ўртоғи, қариндошлари, айбдор - "Тико" машинаси ҳайдовчиси, унинг ота-онаси кеча-кундуз қизнинг соғайиб кетишини кутадилар. Бироқ унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмайди, жони узилади. Ота-онаси ва унинг турмуш ўртоғи оғир жудоликка учрайди. Икки ёшгина ғўдак онадан етим қолишади.

Тергов жараёни бошланади. Тергов чоғида Бозорбой ҳайдовчини қоралмайди, аксинча уни ёқлайди. Чунки йигит бу фожеага билмасдан, бехосдан сабабчи бўлади. Ўз қилмиши учун кўзида ёш билан, юз минг пушаймон қилади, ота-оналари ҳам кўп азият чекишади.

Бозорбой Қурбонов қизининг ўлимига сабабчи бўлган йигитни айбламай, бу кўргулликларни Худодан, тақдирдан кўради.

Суд жараёнида ҳам Бозорбой ҳайдовчини ёқлайди. Ундан ҳеч нарса таъма қилмайди ва жазо берилмаслигини сўрайди. Бу гапларни эшитиб ўтирган ҳайдовчи йигитнинг отаси суд залида бўкириб йиғлаб юборади. Одамгарчилиқнинг юксак намунасини кўрсатгани учун Бозорбойга таъзим қилиб, қайта-қайта миннатдорчилик билдиради.

Суд ҳайдовчини енгил жазога ҳукм қилади. Йигит қамалмай қолади. Кейинчалик Бозорбой Қурбонов шу йигитнинг уйланишида бош-қош бўлади.

Кўрдингизми, азиз юртдошим, ҳаётимизда яхшилар кўп, шундайлар туфайли олам ҳам гўзалдир.

Оллаберган МАТЖОНОВ,
Урганч тумани,
Бекобод қишлоғи.

"Гап-сўзлардан қўрқаяпман" -22-сон

ЭСЛАТМА: Эримнинг хиёнати туфайли у билан 11 йилдан бери бегоналардек яшаб келаман. Бир куни 50 ёшлардаги Б. ака билан танишиб қолдим. У киши эрим билан қонуний ажрашиб, одамлар олдида ҳақиқий хотини бўлишимни истаяпти... Б. акани қаттиқ севиб қолдим. Нима қилсам экан...

Муаллиф: С.

Синглим, ёшингиз 43 да экан. Бу ёшда ёлғиз аёлнинг қалби меҳр-муҳаббатга ташна бўлади. 11 йил бир ёстиққа бош қўйган никоҳли, ҳаққи-ҳалол эрингиз ўзга бир аёлнинг эри бўлса алам қилади албатта. Унинг устига эрингиз сизга эътиборсиз бўлса, бу дунёда бундан ортиқ жазо бўлмаса керак. Гап-сўзлардан қўрқиб икки фарзандингизни ўйлаб ҳаммасига чидабсиз, бу таҳсинга лойиқ. Лекин сиз ҳам аёлсиз. Қалбингизда севиш, севилиш истаги бўлган. Баъзан одамларнинг олдида ўзингизни бахтиёр тутиб, ёлғиз қолган дамларингизда эрингизни соғиниб, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўккансиз. Тақдирни қарангки, мустақиллик майдонида сизга бир эркакни, ишқи тушиб қолганини. Ортингиздан излаб қоронғу ҳаётингизга нурдек кириб шодлик, меҳр ҳадя қилганини. Буни сизга юборган Худонинг марҳамати деб тушундим. Ахир 11 йил ёлғизликда яшаш осон эмас. Орзу-умидларингизнинг оёқ-ости бўлишига қарамай, ор-номусни устун қўйиб ҳаммасига чидагансиз.

Ўз қадрингизни билинг

Хўш, сиздек пок, бардошли, сабр-қаноатли аёл, эшик қоқиб турган бахтдан, шодликдан, меҳр-муҳаббатдан нега кечиши керак? Умрида бировга бир марта ҳам яхшиликни раво кўрмаган нодонларнинг ғийбатидан қўрқиб умрингизни хазон қилмоқчимисиз? Энди бу ёғига дадил бўлинг. Сизга меҳр-муҳаббат тақдим этган инсон ҳурматини жойига қўйиб унга қонуний равишда турмушга чиқинг. Шунча йил тотган жабру-жафолар эвазига бахтли бўлинг. Ўз қадрингизни билинг. Қизларингиз тақдири эса уларнинг ўз қўлида.

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳри.

12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 «Даллас". Телесериал.
14.00 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
14.05 «Анпанман". Мультсериал.
14.30 Тадбиркор ва қонун (такрор)
14.50 «Париларнинг кузги совгаси". Бадиий фильм.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қовун сайли".
16.30 Менимча.
16.40". Янги авлод « студияси: У ким? Бу нима? Хайр, оромгоҳ.
17.15 Мен 14 ёшдаман.
17.20 «Саҳродаги хазина". Мультфильм.
17.30 Кафолат.
17.45 Ёшлар куйлаганда.
18.00 16 га кирмаган ким бор?
18.20 «Истиқлолим-истиқболим". Фототанлов.
18.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 2005-Сиҳат-саломатлик йили. Саломатлик йўлида.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Замондошларим.
20.30 "Кино SMS» танлови.
20.40 «Муҳаббат можароси".
21.25 Давр А.
21.50 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кинотақдим.
23.10 «Кино SMS» танлови.
23.15 «Эсмеральда".
23.45 Интерфутбол.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 ТТВда сериал: «Ит уяси".
17.55 «Мактабдан сўнг". Хужжатли фильм.
18.10 «Иқтисодий тараққиёт йўлида". /рус/.
18.30, 20.00, 22.10, 24.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 , 21.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Имконият".
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз".
20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара".
21.20 «Дорихона эшитади".
22.30 Кинонигоҳ. «Товус малика".
00.20 Тунгги киносеанс. «Қизлар".

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 Мультсериал.
9.10-10.40 "Хозяйка судьбы". Сериал.
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Спорт – саломатлик гарови".
17.30 "Спорт салтанати".
17.50 "Спорт клуб". Ринг.
18.20 "Дадиллик учун соврин".
18.50 "Поле чудес".
20.00 "Вести".
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 "Хабарлар".
21.15 "Захирадаги спортчи".
21.35 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
22.35 Жаҳон спорти "Снукер"
23.35 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30 КАНАЛ

12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 – **«Детский час»**
12.50 – **«Бедная Настя»**.
14.00 – Х/ф **«Да здравствует сеньора»**, комедия
15.30 – «Ошикона» мусикий дастури
16.15 – **«Озгина - Созгина»,** повтор передачи
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ - «Мультсериал»
17.20 – НТТ «Мустакиллик одимлари»
17.35 – НТТ «Киноафиша»
17.45 «Озгина - Созгина»
18.00 «Мусикий лахзалар»
18.20 – «Аёллар Орзуси»
18.40 – «Мумтоз наволар»
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 – «Мультфильм»
20.00 – «Мусикий табассум»
20.45 – «Телехамкор», фойдали газета
21.00 – НТТ «Кунгил кучалари» телесериал 25 серия
22.00 – «Мусикий табассум»
23.00 – Х/ф **«Некуда бежать».**

1 ОРТ

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Большая прогулка». Приключенческий сериал. Заключительная серия
9.10 «Евлампия Романова. Следствие ведет дилетант»
10.30 Дисней-клуб: «Ведьма»
11.00 Новости
11.20 Сергей Шакуров в фильме Петра Тодоровского «Любимая женщина механика Гаврилова»
12.50 «Пестрая лента». Георгий Бурков
14.00 Новости
14.20 Алла Клюка в детективном сериале «Идеальная пара». Заключительная серия
15.30 «Анекдоты»
16.00 «Хозяйка судьбы»
17.00 Вечерние новости
17.10 Вне закона. «Черный абонент»
17.40 «Две судьбы». Многосерийный фильм. Заключительная серия
18.50 «Поле чудес»
20.00 Время
20.25 «Кривое зеркало»
22.00 Ричард Гир в лучшем фильме 2003 года «Чикаго»
0.00 Триллер «Американский психопат»
1.50 Остросюжетный фильм «Бешеная скорость»
3.30 Джеймс Белуши в сериале «Дикие пальмы». Заключительная серия
4.20 Теория невероятности. «Летаргический сон»

РТР

4:00 «Доброе утро !».
7:45 Егор Титов в телесериале «Команда».
8:45 «Мой серебряный шар. Олег Даль». Ведущий - Виталий Вульф.
9:45 ВЕСТИ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 «Мусульмане».
11:00 «Вся Россия».
11:15 Кристофер Ламберт и Ришар Анконина в семейной комедии «Эркюль и Шерлок против мафии» (Франция).
13:00 ВЕСТИ.
13:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:30 ПРЕМЬЕРА. «Суд идет».
14:30 Юрий Степанов, Егор Бероев и Дина Корзун в телесериале «Гражданин начальник».
15:30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
15:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:00 ВЕСТИ.
16:25 «Кулагин и партнеры».
16:55 Степан Старчиков, Ирина Сенотова, Надежда Бахтина и Денис Матросов в телесериале «Кармелита».
18:00 Валентина Талызина, Амалия Гольданская, Алексей Булдаков, Эммануил Виторган, Валентин Смирнитский и Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
19:00 ВЕСТИ.
19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
21:40 Роберт Де Ниро, Ник Нолти, Джессика Лэнг, Джульетт Льюис и Грегори Пек в фильме Мартина Скорсезе «Мыс страха» (США). 1991г.
23:40 Футбол. Суперкубок УЕФА. ЦСКА (Россия) - «Ливерпуль» (Англия). Прямая трансляция из Монако.
2:00 «Дорожный патруль».
2:10 НОЧНОЙ СЕАНС. Ришар Берри и Шарль Берлен в комедии «15 августа» (Франция). 2001г.
3:45 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
4:30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ШАНБА 27

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Сув ости тадқиқотлари". Ҳужжатли телесериал.
9.40 "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
10.00 "Ўзбекистон – Ватаним маним". Кўшиқ байрами. 1-қисм.
10.40 "Буюк Амир Темур". Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
11.10 "Ўзбекистон – Ватаним маним". Кўшиқ байрами. 2-қисм.
11.50 "Оналар мактаби".
12.10 ТВ анонс.
12.15 "Дўстлик" тележурнали: 1. "Бизнес мирас". 2. "Истоки".
"Болалар сайёраси":
12.45 "Олтин тож".
13.20 "Хеч ҳам кўркмаймиз". Мультфўлам.
13.50 "Оҳанглар оғушида".
14.00 Янгиликлар.
14.20 "Жаҳон цирки". Франция.
15.40 Спорт янгиликлари.
15.55 "Учрашув". Телевизион бадиий фильм.
"Болалар сайёраси":
17.00 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.15 "Танаффус". Мультфильм.
17.25 "Бизнес ҳафта".
17.35 "Жаранглагин, Шарқ тароналари!"
17.55 "Оддий ҳақиқатлар".
18.35 "Буюк Амир Темур". Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
19.10 "Ёшлик наволари".
19.25 "Узлото" кундалиги ва реклама.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Ҳаёт давом этади".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.
22.35 "Киноафиша".
22.55 "Шерюрак". Бадиий фильм. 1-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 "Мунаввар тонг".
8.30 «Янги авлод» студияси: Ўким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 «Ғаройиб саёҳат». Мультфильм.
9.05 «Эсмеральда". Телесериал.
9.35 Табобат оламида.
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Мен 14 ёшдаман.
11.05 Давр А.
11.35 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидан лавҳалар.
11.55 Менимча.
12.00 «Маҳобҳорат". Телесериал.
12.45 «Ёз нафаси".
12.55 «Кино SMS» танлови.
13.00 Давр.
13.10 «Икки соҳил". Бадиий фильм.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.15 Замондошларим.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 Кичкинтой театри.
17.00 «Кузя учун уй". Мультфильм.
17.20 Бола тилидан.
17.50 «Кино SMS» танлови.
17.55 «Маҳобҳорат".
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
19.00 Давр.
19.40 Мен 14 ёшдаман.
19.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан. Замондошларим.
20.05 Сув-ҳаёт манбаи.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Менимча.
20.25 Кутилмаган меҳмон.
20.50 «Кино SMS» танлови.
21.00 «Муҳаббат можароси".
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кулгуч.
23.00 «Бахт қуши". Б/ф

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 Болалар учун фильм. «Азиз".
18.30, 20.00, 22.00, 23.20 "Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Шунақа гаплар".
19.10, 21.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз".
20.20 12 қардош «Масси» циркининг томошаси. 1-қисм.
21.20 «Биргаликда куйлаймиз".
22.20 12 қардош «Масси» циркининг томошаси. 2-қисм.
23.00 «Ёшлар даврасида".
23.40 Кинонигоҳ: «Севги ҳақида афсона". 1-қисм.

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 "В поисках приключений".
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Болалар спорти".
17.35 "Нокаут".
18.05 "Спорт – менинг ҳаётим".
18.20 "Стать ближе".
19.00 "Шарқ тароналари". Халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.
20.30 "Вести".
21.00 "Хабарлар".
21.15 "Спортимиз одимлари". Мустақилликнинг 14 йиллигига бағишланади.
21.40 Оғир атлетика.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати "Пахтакор" - "Нефтчи".

9.05 - «Теле-хамкор» фойдали газета
9.20 – «Детский час»- мультсериал
9.50 - Фильм детям: **«Красный петух Политрок»**, сказка
11.10 – «Ошикона» мусикий дастури
11.55 – **Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса**
12.40 – **«Некуда бежать»,** остросюжетный фильм
14.30 **- Сериал по выходным - «Против течения»**
15.30 – «Музыкальный калейдоскоп».
16.00 –«Детский час» - мультсериал
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ «Болалар соати»
17.25 – НТТ – **«Суюнчи»** бадиий фильм
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 – «Телехамкор» фойдали газета
20.00 - «Хит-парад - плюс»
21.00 – НТТ **«Устаси фаранглар» художественный фильм 1 серия (Индия)**
22.30 - НТТ Анонс
22.35 – НТТ **«Устаси фаранглар» художественный фильм 2 серия (Индия)**

5.00 Новости
5.10 Приключенческий фильм «Еще один парень-каратист»
7.10 Играй, гармонь любимая!
8.00 Слово пастыря
8.10 Здоровье
9.00 Новости
9.10 Надежда Румянцева, Юрий Никулин в комедии «Неподдающиеся»
10.40 «Ералаш»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 История с географией. «Проклятье фараонов»
12.20 Дисней-клуб: «Кряк-бригада»
12.50 «Григорий Распутин. Ловушка для антихриста»
13.50 «Пестрая лента». Николай Крючков
14.50 «КВН-2005». Премьер-лига. Второй четвертьфинал
16.40 Классика Уолта Диснея. Золотые годы Микки Мауса. Впервые в России
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 К дню Российского кино
17.30 Алексей Гуськов в фильме Александра Митты «Таежный роман»
20.00 Время
20.20 Шон Коннери, Николас Кейдж в легендарном боевике «Скала»
22.50 Джет Ли в приключенческом фильме «Противостояние» (2001 год)
0.30 Орландо Блум в приключенческом фильме «Банда Келли» (2003 год)
2.30 Фильм «Мечты»
4.10 Искатели. «Демидовские миллионы»

5:00 «Доброе утро, Россия !».
6:40 «Золотой ключ».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Русское лото».
7:55 «Военная программа» Александра Сладкова.
8:20 «Вокруг света».
8:50 «Субботник».
9:30 «Утренняя почта».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 «Сто к одному». Телеигра.
11:15 «В поисках приключений».
12:10 «Комната смеха».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Анатолий Папанов, Валерий Приемыхов, Юрий Кузнецов и Нина Усатова в фильме «Холодное лето пятьдесят третьего...». 1987г.
15:00 «Московской оперетте - 75 лет!»
17:00 «Очень смешная премьера. Юбилей Лиона Измайлова».
19:00 ВЕСТИ.
19:25 «Зеркало».
19:40 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
20:10 «Очень смешная премьера. Юбилей Лиона Измайлова». Продолжение.
21:35 Дженнифер Лопес, Джон Войт, Айс Кьюб и Оуэн Уилсон в остросюжетном фильме «Анаконда» (США-Бразилия). 1997г.
23:20 Рене Зеллвегер, Хью Грант и Колин Ферт в романтической комедии «Дневник Бриджит Джонс» (США). 2001г.
1:20 «Горячая десятка».
2:20 Ив Монтан и Катрин Денев в фильме «Дикарь»
4:20 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Камалак" экрани:
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.10 "Буюк Амир Темур". Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
11.40 "Бу турфа олам".
12.10 "Дўстлик" тележурнали: 1."Ҳамкорлик ришталари".
2. "Дидар".
12.40". Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг тантанали.
очилиш маросимидан репортаж.
14.10 "Ҳаёт давом этади".
14.30 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
15.30 "Киноафиша".
15.50 "Ўтган кунлар". Бадиий фильм.
"Болалар сайёраси" :
17.20 "Олтин тож".
18.05 "Одами эрсанг...".
18.20 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Портрет".
18.30 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
18.55 "Буюк Амир Темур". Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Шарқ тароналари" фестивал кундалиги
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 ТВ анонс.
21.20 "Меҳр кўзда". Сурхондарёда.
22.10 "Айтишув".
23.00 "Шерюрак". Бадиий фильм. 2-қисм.
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.50 Кўрсатувлар дастури.
6.55 Иқлим.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55, 19.30 ТВ -анонс.
9.00 Болалар экрани: «Ялиш водий сари".
10.00 Мен 14 ёшдаман.
10.05 Кулгуч.
10.15 Саломатлик сирлари.
10.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
11.25 Ёшлик наволари.
11.35 «Кино SMS» танлови.
11.40 «Маҳобҳорат". Телесериал.
12.25 Менимча.
12.30 «Қилни қирқ ёриб". Интеллектуал ўйин.
13.20 Кинотақдим.
13.40 «Кино SMS» танлови.
13.45 «Тоглик куёв". Бадиий фильм.
15.15 Мен 14 ёшдаман.
15.20 Чемпион сирлари.
15.40 Ринг кироллари.
16.30 Менимча.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси Уй вазифаси.
17.00 Спорт маликаси.
17.10 Мен 14 ёшдаман.
17.15 «Эрамиздан аввалги дунё". Илмий-оммабоп фильм 6-қисм.
17.40 Хуш келибсиз!
18.00 "Кино SMS» танлови.
18.05 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат". Телесериал.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Сув - ҳаёт манбаи.
19.40 Дилноза Исмияминова куйлайди.
20.00, 20.50 Эълонлар.
20.05 «Муҳаббат можароси".
20.55 Спорт антологияси.
21.00 «Кино SMS» якуни. Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами".
19.15 «Миттивойлар мактаби".
19.40, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Пойтахт плюс".
20.20 «Табриклаймиз".
20.50 «Нима учун?"
21.50 «Шахрисабз". Телевизион фильм.
22.10 «Туризм ҳақида".
22.40 «Тенгдошлар".
23.10 «Жаконда". Хужжатли фильм.
24.0 Кинонигоҳ: «Севги ҳақида афсона» 2-қисм.

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 "Соғлом овқатланиш сирлари". Инглиз тилида.
9.10 "Непутевые заметки".
9.30 "Пока все дома".
10.10 "Кувноқ стартлар".
10.40-10.55 "Рақибингиз гроссмейстер".
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 Е. Исинбаева: "Рекордларим – мухлисларим учун".
17.45 "Проф-РИНГ".
18.35 "Мир авиации".
18.55 "Шарқ - яккакурашлари ва жанг санъати".
19.35 "Тайм аут".
20.00 "Вести недели".
21.00 "Хабарлар".
21.15 "Спорт- менинг ҳаётим".
21.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Трактор" - "Машъал".
22.20 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
23.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

9.05 - «Теле-хамкор»
9.20 – **«Детский час»**
9.40 – «Юлдузлар табриги».
10.10 – Документальный сериал
11.00 – «Телехамкор» фойдали газета
11.15 – Документальный сериал на узбекском языке
12.00 **- «Цирк приехал»**, приключения
13.30 - «Хит.парад - плюс» повтор передачи
14.30 – **Сериал по выходным - «Против течения»**
15.30 – «Спорт - экстрим»
16.00 – «Детский час».
16.25 – «Хикоя», познавательная передача
16.45 – «Телехамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ – «Болалар соати»
17.25 – НТТ - Анонсы
17.30 – «В мире животных»
18.00 - «Гиннесс рекордлари»
18.30 – НТТ - «Концерт»
19.00 «Телехамкор».
19.15 – «Ошикона» .
20.00 – «Мультфильмы»
20.20 – «Мусикий табассум»
21.00 **«Мистер Бин»,** комедия

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
5.30 Приключенческий фильм «Деревенские медведи»
7.10 Армейский магазин
7.40 Дисней-клуб: «С добрым утром, Микки!»
8.10 «В мире животных» с Николаем Дроздовым
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки»
9.30 Пока все дома
10.10 Дог-шоу
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Живой мир. «Баллада о Большом Але»
12.20 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
12.50 «Григорий Распутин. Чисто русское убийство»
13.50 Валерия, Михаил Боярский, Ирина Аллегрова, Лолита, Надежда Кадышева в праздничном концерте
15.30 Робин Уильямс в комедии «Миссис Даутфайр»
17.50 Воскресный «Ералаш»
18.20 Премьера. Приключенческий фильм «Остаться в живых». Фильм 8-й
20.00 Время.
20.45 Сильвестр Сталлоне в комедии «Стой, а то мама будет стрелять!»
22.20 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Николай Валуев - Клиффорд Этьен
22.50 Суперчеловек. «Лабиринты мозга». Фильм 1-й
23.50 «Секретные материалы» («X-files»). Заключительная серия
0.40 Джейн Фонда, Ванесса Редгрейв в фильме «Джулия»
2.50 Музыкальная премия «Билборд - 2004 год»

5:00 «Доброе утро, Россия !».
6:20 «Сельский час».
6:45 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Диалоги о животных».
7:55 Дэвид Суше в детективе «Пуаро Агаты Кристи. Печальный кипарис» (Великобритания).
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12:15 ПРЕМЬЕРА. «Екатерина Фурцева. Женская доля».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль №52». Сатирический тележурнал.
14:10 Митхун Чакраборти в фильме «Коммандос». 1988г.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 Митхун Чакраборти в фильме «Коммандос». 1988г. Продолжение.
17:10 «Веселый вечер «Аншлага».
19:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Николай Караченцов, Юрий Беляев, Дмитрий Певцов, Чулпан Хаматова, Дмитрий Марьянов и Николай Чиндяйкин в остросюжетном фильме «Львиная доля». 2001г.
22:30 Стивен Сигал в боевике «Во имя мести» (США). 2003г.
0:20 ПРЕМЬЕРА. Элизабет Херли в триллере «Метод»
2:15 Детектив «Прочная сеть-2» (США).
3:05 Канал «Евроньюс» на русском языке.

Газетамизнинг ўтган сонида берилган қуйидаги тестнинг жавоб баллари техник сабабларга кўра тушиб қолганди. Бунинг учун газетхонлардан узр сўраб, такроран чоп этмоқдамиз.

ТЕСТ СИЗ ХАЁЛАН САМОДА УЧГАНМИСИЗ?

Баъзи одамлар ўта хаёлпараст бўладилар. Бошқалари эса, амалий ишга ўтиб, бундай орзуларга болалигидаёқ чек қўйишган.

1. Сиз тестлар орқали ўзингизни ўрганишни ёқтирасизми?
а) Албатта, жудаям ёқтираман. **(5)**
б) Ўқишга тоқатим йўқ. **(3)**
в) Саҳифага кўзим тушса ўқийман. **(1)**

2. Телесериаллар кўриб борасизми?
а) Ҳа, бир нечтасини ҳар гал яхши кўриб томоша қиламан. **(5)**
б) Бир ўтирсам қолдирмай кўраман. **(3)**
в) Йўқ, ҳеч қачон. **(1)**

3. Ўлим ҳақидаги хаёлларни четлаб ўтасизми?
а) Йўқ, бу мавзуга хотиржам ёндошаман. **(1)**
б) Баъзан шу ҳақда ўйланиб қоламан. **(3)**
в) Бу ҳақда умуман ўйламасликка ҳаракат қиламан. **(5)**

4. Баъзан тушишингиз керак бўлган бекатдан ўтиб кетганмисиз?
а) Бундай воқеа бўлмаган. **(1)**
б) Бир-икки марта юз берганди. **(3)**
в) Вақти-вақти билан бўлиб туради. **(5)**

5. Сиз тезда ухлаб қоласизми?
а) Агар шу кун асабийлашмаган бўлсам, тез ухлайман. **(5)**
б) Уйқудан олдин анчагача хаёл сураман. **(1)**
в) Ҳар гал гоҳ тез, гоҳ кеч. **(3)**

6.Ўзингизни бахтли ва омадлилардан деб ҳис эта оласизми?
а) Ҳа, бу менга завқ бағишлайди. **(5)**
б) Орзу қилмай қўйганимга анча бўлди. **(3)**
в) Орзу қилишдан не фойда, амалга ошириш керак! **(1)**

7. Бирор нарсага чин дилдан қизиқасизми?
а) Йўқ, сира қизиқмаганман. **(1)**
б) Бўлмасам-чи? **(5)**
в) Баъзан нимагадир қизиқаман. Аммо узоқ қизиқиб қолмайман. **(3)**

8. Сеҳрли қалпоқчангиз бўлишини истармидингиз?
а) Жуда қизиқ бўларди-да. **(3)**
б) Уч-тўртта муаммоларимни ҳал қилиб олган бўлардим. **(5)**
в) Сеҳрли қалпоқнинг нима кераги бор? **(1)**

9. Мутахассислигингиз қанақа?
а) Гуманитар. **(3)**
б) Техник. **(1)**
в) Илмий. **(5)**

(Давоми 16-бетда).

Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Xatlaringizni kutamiz.



O'ZBEKISTONIM

Osmoni beg'ubor va musoffodir,
Dala-dashti sokin, toza havodir.
Gullayotgan chamanistonim,
Ey, mustaqil O'zbekistonim!

Kindik qonim to'kilgan aziz Vatanim,
Seni ozod va hur o'lka deya atadim.
Dunyoda mashhur tilda dostonim,
Ey, mustaqil, O'zbekistonim!

XAYR YOZ FASLI

Xayr endi issiq yoz,
Biz maktabga qaytamiz.
Unutmayman bo'lding soz,
Maktab kuyin aytamiz.

Maktabjon quchog'ini,
Kulib ochib turibdi.
Go'zal ko'rkam bog'lari,
Bizni kutib turibdi.

Iroda QOSIMOVA,
Payariq tumani 18 – maktabning 7 "B" sinf o'quvchisi.

Saodat SAIDIKROMOVA,
Toshkent shahri Uch tepa tumani 203 – maktabning 3 "Y" sinf o'quvchisi.



Dilnoza MAHKAMOVA,
Toshkent shahri Shayhontohur tumani 102 – maktabning 3 "G" sinf o'quvchisi.



Jovlonbek QURBONIYAZOV,
Qoraqolpog'iston respublikasi, Xo'jayli shahri 7 "B" sinf o'quvchisi.

НАБИРАЛАРИМГА НАСИҲАТЛАР

(Боши ўтган сонларда)

Жон болажонларим! Чин сўзни ҳеч қачон ёлғонга чулғатманглар, тўғри сўзни айта оладиган тилни ёлғонга булғаманглар, ёлғончи - киши эмас, ёлғон сўзлаш эр йигитнинг иши эмас, ёлғон сўзлаш кишини безътибор, бебурд, субитсиз қилади. Тилингизни ўз ихтиёрингларда асранглар, ҳар бир сўзни эҳтиёт билан денглар. Сўз борки, айтувчининг гапига жон киргизади, сўз борки, айтувчининг бошини ерга қаратади. Ҳар доим тилингиз билан дилингизни бирдек тутинглар.

Ёлғон сўзлаб "Менинг сўзим тўғри", деб қасам ичманглар, тўғри сўзласангиз-да, тўғрилигига ҳам онт ичманглар.

Шахсан мен ўзим ёшлигимдан бошлаб тўғри сўзлашга одатланганман. Менинг энг ёмон кўрган одамим- ёлғончидир.

Эндиги сўзларим тўғрилик ҳақида. Тўғрилик куч-қудрат, поклик, эзгулик, эътиқод тимсолидир. Тўғрилик дунёнинг устуни ҳисобланади. Тўғрилик жаннатга, эгрилик эса жаҳаннамга бошлайди. Шунинг учун ҳам Абдураҳмон Жомий одамларни фақат тўғриликка даъват этиб шундай деган:

"Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр, тўғри эшит, тўғри гапир, тўғри тур".

Бу дегани, диёнатли одамнинг қалби ҳам, кўзи ҳам қулоғи ҳам, тили ҳам тўғри бўлиши керак. Эгри одамда эса бунинг тескариси бўлади. Яъни қалбини ҳасад, тилини иғво, дилни ёлғон, кўзини таъма забт этган бўлади.

Тўғрилик - бу ақл-идрок деган олий ҳакамнинг ижро қуроли ҳамдир. "Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин", дейилади ҳадисда. Пайғамбаримизнинг бошқа бир ҳадисларида: "Мен ҳам ҳазилмутойиба қиламан, лекин ҳақ гапни сўзлайман", дейилган. Демак, тўғрилик аввало, чиройли хулқдан ҳамда ҳар доим, ҳатто ҳазил пайтида ҳам тўғри сўзлашдан бошланар экан.

Тўғрисўз ва умуман тўғрилик хукмрон бўлган жойда иғво, фитна, фисқу фасод, ҳасад, миш-миш бўлмайди, гина-араз ва ғараз кўтарилмайди, ўзаро ишонч ва ҳурмат, диёнат ва эзгулик қўним топади. Ҳадисда айтилганидек: "Тангрининг наздида тўғри сўздан ортиқ садақа йўқдир".

Айтинг-чи, азиз болажонларим, инсонга бундан ортиқ яна қандай мукофот керак?! Ҳар бир тўғри сўзимиз, ҳаётдаги ҳар бир тўғри қадамимиз садақа ўрнида ўтса, савобга кўмилиб қоламиз-ку ахир! Биз учун бундан ортиқ саодат борми?

Қалбингизни ҳақгўйлик, ростлик ва эзгулик билан безанг! Сиздан ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин. Сизнинг ҳақиқатингиз ва моҳиятингиз тўғрилик ва хайрли, савобли ишлар қилиш бўлсин, азизларим.

* * *

Азиз болажонларим! Энди мен сизларга жуда ҳам нозик, жуда ҳам жиддий масала - нафс ва таъмагирликдек ярамас иллатлар ҳақида тушунча бераман.

Нафс деган жар-иродаси бўш инсондан бир қадамгина нарида бўлар экан. Ўша қалтис қадамни қўйдингизми, вассалом шу он ўша тубсиз жар сизни ўз комига тортиб, инсонлик шаън-шавкатингиз, ор-номусингиз, ғурурингизни куйдириб кул қилади. Инсон азиз бўлиб яшайди, агар Аллоҳга қул бўлиб яшаса. Ва хор бўлиб яшайди ҳар икки дунёда, агар нафсига қул бўлиб яшаса. Инсон доимо ўз нафси билан курашиб яшамоғи керак. Нафс ҳурмат қилингани сари эгасини ўз ботқоғига ботириб юборади.

Маълумки, инсоннинг нафси сира тўлмайдиган, қанча берилса, яна шунча бўлсин, дейдиган бир туйғудир. Нафс балоларнинг боши, разолатнинг манбаидир, инсондаги ёмон урф-одатларнинг хазинасидир. Шайтон учун эса гуноҳ қилдиришга энг яқин йўлдир. Умрбод орқангиздан эргашиб юрадиган ёқимли душман, бу нафсдир. У шундай душмандирки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир, кибру ҳаво унинг доимий ҳамроҳидир.

Нафснинг гапига кириш, очкўзлик ва ҳаёсизлик таъмага борадиган йўлдир. Таъмагирлик эса фақат гадоларга хос хислатдир.

Минг афсуслар бўлсинки, маънавий бойликни ва қаноатни унутиб, очкўзлик ва моддий бойликка интилувчилар ҳам кўп. Уларни халқ билади, нафратланади.

"Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга солодур", деган пурҳикмат ибора бор. Унинг замирида инсоний тавба-тазарру, хатардан огоҳлик, покдомонликка ундов ва бошқа бир қанча маънолар ётганини англаш, уқиб олиш қийин эмас. Бинобарин, нафс қулига айланган қанча-қанча зотлар унинг қурбони бўлганлар. Ўғрилик, ичкиликбозлик, бузуқчилик, ҳаромхўрлик, мансабпарастлик, порахўрлик, судхўрлик, зинокорлик, қиморбозлик, таъмагирлик, такаббурлик, манманлик, ҳасад, ғийбат, ғиромлик, иғвогарлик домига тушганлар охири шармандалари чиқиб, яратган Парвардигорнинг қаҳрига учраганлар. Донишмандлар айтишган: "Энг бахтли инсон - билимли, қалби сабрли, жисми ва қўлида борига қаноати бор кишидир". Яна марҳамат қилинган: "Бизлар тўрт нарсани, тўрт нарсадан излаб адашдик. Ваҳоланки, улар бошқа тўрт жойда экан. Биринчиси - бойликни мол-дунёдан изладик. Лекин уни қаноатда топдик. Иккинчиси - роҳат-фароғатни бойликдан қидирдик, лекин уни камолликдан топдик. Учинчиси - лаззатни неъматлардан истадик, лекин уни баданимиздан топдик. Тўртинчиси- ризқни ердан истадик, лекин уни осмондан топдик.

Жон болажонларим! Нафс кўйига кириб, керагидан ортиқ мол-мулк топишга интилманглар. Шердан қўрққандан кўра, нафсдан қўрққан фойдалироқдир. Пасткашликнинг калити таъма, адоватнинг калити кўролмаслик, роҳатнинг калити қаноатда эканини ҳеч унутманглар.

"Ҳар кишининг нафси ақлига хизмат қилса, ундай киши бахт ва давлатга юзланади, ҳар кимнинг ақли нафсига хизмат қилса, бахту иқбол ундай кишидан юз ўгиради".

Одам - ўз нафсининг эгаси сифатида уни назорат қила олиши керак, ҳар ҳолда нафс одамнинг эгаси бўлиб қолмасин.

Демак, нафсга хокимлик қилиш учун ранж ва меҳнат камлик қилади. Унга қарши жиҳод (уруш) эълон қилмоқ керак. Бу жангда ғалаба қилиш учун эса Аллоҳга тинмай илтижо қилиб, ёлвориб туриш керак бўлади. Чунки нафсни осонликча енгиб бўлмайди.

(Давоми бор)

Мансур АЛИЕВ

ЎЗГАНИНГ БАХТИ БУЮРМАСКАН...

Ота-онамнинг 3 ўғилдан сўнг туғилган эрка қизи эдим. Акаларимни ўқитишмаса-да, мени ўқитдилар. Олийгохда ўқиб юрган кезларим кўп йигитлар менга ошиқ бўлишди. Лекин мен уларга парво қилмасдим, аниқроғи, улар менга ёқмасди.

Бир куни дугонам билан ошхонада овқатланиб ўтирсак, икки йигит келиб: "Қизлар агар мумкин бўлса, бирга ўтириб овқатлансак, танишсак", - деди улардан бири. "Мумкин", - дедим мен бепарвогина. "Қизлар, нима ейсизлар?" - дея жавобимизни ҳам кутмай, бизни овқатланишга таклиф этишди. Бир кўришдаёқ бирини севиб қолдим. Ўша куни гаплашиб ўтириб, охирги дарсни ҳам унутибман. Унинг исми Маъмуржон бўлиб, мен ўқийдиган олийгохда ўқиркан. Шундан сўнг биз ҳар куни бирга овқатланадиган бўлдик. Дарсдан сўнг у мени машинасида уйимга элтиб қўярди. Мен бундан жуда-жуда хурсанд эдим. Бора-бора биз дарсларга кам қатнайдиган бўлдик.

Охирги курсда ўқийдиган вақтимизда мен ҳомиладор эканлигимни билиб қолдим ва жуда кўркиб кетдим. Бу ҳақда Маъмуржонга айтдим. У: "Нега қўрқасиз, боланинг отаси ёнингизда-ку! Агар хоҳласангиз шу бугуноқ тўйни ўтказамиз", - деди. Тез кунда тўйимиз ҳам бўлди. Қайнотам ҳам отамдек катта лавозимда ишларди. Тўйдан сўнг яна ўқишга қатнай бошладик. Биз бахтли эдик. Ҳамма бизга ҳавас билан қарарди. Қайнонам ўқитувчи, мени "болажоним" деб чақирарди. Аммо ҳомилам 4 ойликлигида нобуд бўлди. Қайнонам бечора: "Келин, хафа бўлманг, ҳали ёшсизлар, бир этак бола кўрасизлар", - деб кўнглимни кўтарарди. Мен эса бундан хурсанд бўлар, қайнонамнинг кўксига бошимни қўйиб йиғлардим. Аслида эса беникоҳ туғилажак боламдан нафратланардим. Қолаверса, мен ҳали бола боқишга тайёр эмас, айни ўйнаб-куладиган даврим, деб ўйлардим.

Келин бўлиб қайнона-қайнотамнинг хизматини қилмадим. Ҳатто бирор марта қўлига сув ҳам қуймаганман. Ўқишдан чарчаб келганлигимни баҳона қилиб, тайёр овқатни еб, эрхотин уйга кириб олиб, магнитофон эшитиб, видео кўриб ўтирардик. Орадан бир йил ўтгач, биз ўғил кўрдик. Унга "Умиджон" деб исм қўйдик. Қайнона-қайнотам, эрим жуда-жуда хурсанд эдилар. Бу орада ўқишни тугатиб, эрим нуфузли ташкилотда ишлай бошлади. Мен эса бола тарбияси билан банд эдим. Ўзимни маликалардек тутардим. Эрим биринчи маошидан тилла узук совға қилди. Умиджон йиғлаб мени чарчатаётганини баҳона қилиб, эрталабдан кечгача уйдан чиқмай ўтирардим. Ота-онамнинг уйига ҳам боргим келмасди. Онажоним ҳар гал келганида менга насиҳат қиларди. Мен эса ўз билганимдан қолмасдим. Оиламиз юмушларини 60 ёшли қайнонам бажарарди. Қайнонам анча ёш кўринарди. Эрим ишдан чарчаб келса, яхши кутиб олиш ўрнига турли баҳоналар топиб, уриш-жанжал қиладиган одат чиқардим. Аввал эрим билан, сўнгра қайнона-қайнотам билан ҳам уришадиган бўлиб қолдим. Ўғлим 1 ёшга етгач, ажрашдик. Ота-онам уйида бир йил яшадим. Акаларим ва келинойиларим билан бир неча бор уришдим. Бечора ота-онам айб менда бўлса ҳам, уларни айблашардим. Ораданбир йил ўтгач, биз ўғил кўрдик. Унга "Умиджон" деб исм қўйдик. Қайнона-қайнотам, эрим жуда-жуда хурсанд эдилар. Бу орада ўқишни тугатиб, эрим нуфузли ташкилотда ишлай бошлади. Мен эса бола тарбияси билан банд эдим. Ўзимни маликалардек тутардим. Эрим биринчи маошидан тилла узук совға қилди. Умиджон йиғлаб мени чарчатаётганини баҳона қилиб, эрталабдан кечгача уйдан чиқмай ўтирардим. Ота-онамнинг уйига ҳам боргим келмасди. Онажоним ҳар гал келганида менга насиҳат қиларди. Мен эса ўз билганимдан қолмасдим. Оиламиз юмушларини 60 ёшли қайнонам бажарарди. Қайнонам анча ёш кўринарди. Эрим ишдан чарчаб келса, яхши кутиб олиш ўрнига турли баҳоналар топиб, уриш-жанжал қиладиган одат чиқардим. Аввал эрим билан, сўнгра қайнона-қайнотам билан ҳам уришадиган бўлиб қолдим. Ўғлим 1 ёшга етгач, ажрашдик. Ота-онам уйида бир йил яшадим. Акаларим ва келинойиларим билан бир неча бор уришдим. Бечора ота-онам айб менда бўлса ҳам, уларни айблашардим. Орадан бир йил ўтгач, биз ўғил кўрдик. Унга "Умиджон" деб исм қўйдик. Қайнона-қайнотам, эрим жуда-жуда хурсанд эдилар. Бу орада ўқишни тугатиб, эрим нуфузли ташкилотда ишлай бошлади. Мен эса бола тарбияси билан банд эдим. Ўзимни маликалардек тутардим. Эрим биринчи маошидан тилла узук совға қилди. Умиджон йиғлаб мени чарчатаётганини баҳона қилиб, эрталабдан кечгача уйдан чиқмай ўтирардим. Ота-онамнинг уйига ҳам боргим келмасди. Онажоним ҳар гал келганида менга насиҳат қиларди. Мен эса ўз билганимдан қолмасдим. Оиламиз юмушларини 60 ёшли қайнонам бажарарди. Қайнонам анча ёш кўринарди. Эрим ишдан чарчаб келса, яхши кутиб олиш ўрнига турли баҳоналар топиб, уриш-жанжал қиладиган одат чиқардим. Аввал эрим билан, сўнгра қайнона-қайнотам билан ҳам уришадиган бўлиб қолдим. Ўғлим 1 ёшга етгач, ажрашдик. Ота-онам уйида бир йил яшадим. Акаларим ва келинойиларим билан бир неча бор уришдим. Бечора ота-онам айб менда бўлса ҳам, уларни айблашардим.

Ўғлим 2 ёшга тўлганда велосипед совға қилиш учун бозорга бордим ва тасодифан Н.ака билан учрашиб қолдим. У менинг орзуимдаги инсон эди. Н.ака билан мени учраштирган Оллоҳга шукроналар айтардим. Н. ака билан учрашиб турадиган бўлдик. У киши каттагина лавозимда ишларди. Менга шаҳар марказидан икки хонали уй олиб берди. Ота-онамнинг, акаларимнинг розилигисиз ўша уйга кўчиб ўтиб, Н. акам билан яшай бошладим. Бу қилмишим учун ота-онам мени оқ қилишди. Ота-онамнинг гапларига парво қилмадим. Чунки у вақтлар менинг кўзларим кўр, қулоғим кар эди. Н. акадан ўзга одам кўринмасди. Уни ҳотинидан ҳам рашк қилардим. Гўёки Н.акам мен учун уйланмаган йигит-у, мен ҳам эндигина 17 ёшга тўлгандек эдим. Агар у хотини, болалари ҳақида гапирса, хафа бўлардим. Чунки хотини олий маълумотли ўқитувчи, мендан кўра чиройли эди. Буни билсам-да, у кишига айтмасдим. Аксинча, хотини ҳақида ёмон гаплар айтиб, уни ишонтиришга ва совутишга ҳаракат қилардим. У киши мени ташлаб кетишидан қўрқардим. Бечора кундошим ҳамма нарсани кўриб, билиб турса ҳам билмасликка оларди. Ҳатто бир куни Н. акам билан машинасида унинг олдидан ўтиб кетганимизни кўриб турса ҳам индамади. Балки, эрига ва менга Оллоҳдан инсоф тилаб яшагандир. Н. ака бир кун келмаса, тезда чақириб олардим. У ҳар келганида тўлиб-тошиб келар, ҳаттоки ўғлимга ҳам ҳар хил ўйинчоқлар олиб келарди. Ўғлимда ҳам оталик меҳрини уйғота олганди. Шунинг учун Умиджон ҳам "ада" деб чақирарди. Бир куни Н.акага ҳомиладор бўлганимни айтганимда хурсанд бўлди. Агар ўғил туғиб берсам хоҳлаган тилла тақинчоғимни олиб беришини айтди. Биз ўғиллик бўлдик. Унга Муроджон деб исм қўйдик. Чунки, биз муродимизга етдик. У киши ваъдасининг устидан чиқиб, тақинчоқ совға қилди. Чунки унинг 3 қизи бўлиб, бир умр ўғиллик бўлишни орзиқиб кутаётганди.

Ойлар, йиллар қандай ўтаётганини билмасдим. Чунки отаонам, қариндошларимдан кечгандим. Мени севувчи инсон билан бирга эдим. У менинг айтганларимни бир зумда муҳайё қиларди.

Ўғилларимнинг иккаласи ҳам бир кунда туғилганди. Шунинг учун Умиджоннинг 5 ёшга, Муроджон эса 3 ёшга тўлган кунини нишонладик. Сўнг Н.ака билан видео кўриб ўтириб ухлаб қолибмиз. Балконда ўғилларим копток ўйнаб ўтирганди. Ташқаридаги қўшниларнинг қий-чувидан чўчиб уйғониб кетдик. Дераздан пастга қарадим-у, кўзларимга ишонмадим. Не кўз билан кўрайки, болаларимнинг иккиси ҳам пастда ётарди. Учинчи қаватдан қандай пастга тушганимни билмайман, кўзларимни очганимда оппоқ халат кийган ҳамшира: "Опажон, қўрқитиб юбордингиз-ку", - деб бошимда турарди. "Мен қаердаман? Болаларим - Умиджон, Муроджон қаерда?" - дея қон босимим кўтарилиб, яна ҳушимдан кетибман.

Ўзимга келганимда онажоним пешонамни силаб, юм-юм йиғлаб ўтирарди. "Болам, начора, пешонангда борини кўрасан, иккала фарзандингдан ҳам айрилдинг. Сенга Оллоҳдан сабр тилайман", - деди. Онажонимнинг юзига қаролмасдим. Чунки Н. акам билан яшаётганимда ҳам бир неча бор келиб насиҳат қилганида кўнглига озор бериб, ҳақоратлаб, уйимдан ҳайдаб юборгандим. Онам бир ой шифохонада ёнимда ётди. Мени уйига олиб кетмоқчи бўлди. Мен эса ўз уйимга келдим. Қўшниларим уйимнинг калитини менга беришди. Бир ой шифохонада даволаниб ётганимда, Н. акам бирор марта ҳам ҳолимдан хабар олмади. Уйга кирдиму, диванга ўзимни ташлаб, тўйиб-тўйиб йиғладим. Бир ой олдин болаларимнинг туғилган кунида совға қилган ўйинчоқ, уларнинг кийимлари уйда сочилиб ётарди...

Н.акамнинг ишхонасига телефон қилдим. У тезда етиб келди-да: "Энди орани очиқ қиламиз, қайта учрашмаймиз. Катта қизим 7-синфда ўқияпти, уларни ўқитишим керак. Айни кунда хотиним туғруқхонада, мен ўғиллик бўлдим. Ҳасан-Ҳусан!" - деди ва совуқкина хайрлашиб чиқиб кетди. Ундан нафратландим. Бир неча бор телефон қилдим, жавоб бермади.

Кундошимнинг иродасига, сабр-тоқатига, меҳру муҳаббатига лол қолардим. Унга ҳавасим келарди. Оиласини сақлаш учун ҳаракат қилди. Турмуш ўртоғи 2 йил мен билан бирга яшаганини билса-да, бирор марта у кишига ҳам, менга ҳам ёмон гапирмади. Мен эса... Андишанинг отини қўрқоқ, деб билибман. Тасодифни қарангки, мен иккала ўғлимдан айрилган куним, Оллоҳ унга қўшалоқ ўғил берган. Сабрнинг таги сариқ олтин, деб шуни айтсалар керак.

Икки йилдирки, ёлғизман. Ишламайман. Яхшиямки, шифокорлар мени нафақага чиқаришган экан... Энди ота-онамнинг уйига борай десам, улар мени оқ қилишган, акаларимнинг кўнглига озор берганман. Турмушга чиқай десам, мендек ногиронниг кимга кераги бор. Қолаверса, икки марта турмуш қуриб, яхши яшамадим.

Маъмуржон акам мендан ажрашгач, қиз болага уйланиб, бир ўғил, бир қизлик бўлган. Яқинда улар ўғлини суннат тўйини ўтказишди.

Азиз опа-сингиллар! Турмуш ўртоғингизни ҳурмат қилинг! Ўзга эркакларнинг қуруқ гапларига учманг. Улардан эҳтиёт бўлинг.

Азизлар! Менга маслаҳат беринг. Қандай йўл тутай?! Мактубларингизни интизорлик билан кутиб қоламан.

Т.нинг дардини оққа кўчирувчи

София НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти.

АЗОБЛАРИ КАММИДИ ЎЗИ?..

Дил изҳори

Мен нафақадаман. Қуръон-ҳадисларни эгаллаганим, руҳий қувватим борлиги учун хожатманд одамлар келишса, ўқиб қўяман.

Кўринишидан кўҳликкина-ю, лекин ташвишли юзини кўрсатмаслик учун ерга қараб ўтириб гап бошлаган аёл қуйилиб келаётган кўз ёшларини тўхтатолмай:

- Домла, менинг руҳим касал, асабларим чарчади, ўқиб қўйинг, - дея олди холос. Мен уни тушунгандай бўлиб, "Ёмон иш қилиб қўйдингми?" - деб сўрадим. У: "Асло йўқ. Ёмон ишлардан анчайин нафратланаман. Бундай хаёлга борманг, мен ўзимни "рисоладаги аёл", деб биламан", - деди.

Бу жавобни олгач, уни ортиқча савол билан қийнамадим. Кетаётганида ўта тушкун ҳолдаги бу аёлнинг ҳолига ачинибми, анча насиҳатлар қилиб жўнатдим. Кетгунича кўз ёшлари тинмади, бечоранинг.

- Яна бир-икки келсам майлими, сизни кўриб, отамни эсладим, дуоларингиз юрагимга таскин берди, - дея изоҳат сўради.

Икки-уч марта келгач, бир-иккита савол-ларимга ийманибгина жавоб берди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб, дардини билишга ҳаракат қилдим. Негадир очиқ бир нарса билолмадим. "Ким бу дунёда беташвиш экан, у ёғини сўрасанг, мен ҳам ёлғизман", - дея қаршимда ўтирган бу фариштага дилимни очдим.

- Наҳотки, сиздек бир муборак инсон ёлғиз?.. Фарзандларингизчи, улар шундай қўйиб қўйишдими? Эркак кишининг ёлғиз яшаши мумкин эмас! Болалар буни тушунишлари керак! Ахир оналари энди тирилиб келмайди-ку. Улар ҳамма нарсангизни тайёрлаб берганлари билан аёлингизнинг ўрни бошқа, сизга бир тан меҳрам керак. Буни ёлғизлик дардини тортган одамгина тушунади, - дея куйиб-пишиб гапирарди у...

- Йўқ, болаларимизни ҳаммасини уйлижойли қилганмиз, ҳаммалари ўзига тўқ яшашади. Лекин уйланишимга йўл қўйишмайди, бунга қуникишмайди. Ундан кейин келадиган аёлга ҳам жабр бўлади, деб қўрқаман, - дедим.

- Сиз ҳали ёшсиз, уйланишингиз фарздир. Отам 20 йил ёлғиз яшадилар. Мен эса эндигина ёлғизликнинг азобларини тушунгандайман. Тўғри, онамиз 40 ёшларида оламдан ўтдилар. Бизга ўгай она олиб беришди. Лекин бу аёл бизга нисбатан ҳақиқий "ўгайлик" қилганидан кейин кетказиб юборишди. Шундан сўнг отамиз бошқа уйланмадилар. Ёлғизлик азоби, фарзандлар томонидан "ёлғизликка маҳкум" этилиши бу дахшатли жазо деб ўйлайман. Менга сизнинг фарзандларингиз билан гаплашишимга рухсат беринг, яна келаман, - деб ваъда берди у.

У кетаётганида: "Қани энди менга сендек бир покиза, оқила аёл бўлсайди", - деб юборганимни билмай қолдим.

Мен у қадар чиройли бўлмаса-да, қандайдир жозибага эга бу фариштанинг нега ёлғиз эканлигининг сирини билолмай овора эдим. Кундан кунга унга боғланиб бораётганимни билмай қолдим. Унинг тезрок келишини кутардим.

- Кўп келиб сизни ўз ташвишларим билан чарчатиб қўймадимми? - дея кириб келарди у.

Бир куни унга дилимни очиб, умидвор қилиб қўйдим. Лекин у ҳам фарзандларидан уялди чоғи: "Сиздек инсонга бир умр чўри бўлишга тайёрман-у, лекин, афсус, мен ҳам иложсизман. Сизга турмушга чиқсам, болаларим олдида қандай она бўлдим?! Ёлғизлик Оллоҳга хос; сиз уйланинг, аёл кишининг йўли бошқа", - деди-ю кетди у.

Бу фариштанинг дилини ранжитиб қўйдим, шекилли. Азоблари каммиди, ўзи у аёлнинг, деб ўйлайман. Дунёнинг ишини қарангки, ҳаммага панду насиҳатлар қиладиган одам ҳам кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлиб қоларкан.

Мен нима қилишим керак, сиз нима дейсиз, азизлар?

Имзосиз мактубдан.

ОНАНИНГ СОҒИНЧ ҚЎШИҒИ

(Мамлакатда террорчи газандаларни йўқ қилишда ҳалок бўлган укаларимга)

Оқ-ойдин йўллардан кузатган эдим,
Орзиқиб, зориқиб узатган эдим,
Тўйингга чимилдиқ безатган эдим,
Мени ташлаб кетма, жоним ўғлоним,
Кўзим ёшлаб кетма, жоним ўғлоним!..

Соғиниб сўрайман кўкда ойлардан,
Эллардан, еллардан, оқар сойлардан,
Тилаб олган эдим азиз жойлардан,
Мени ташлаб кетма, жоним ўғлоним,
Кўзим ёшлаб кетма, жоним ўғлоним!..

Қўшни қиз оҳ уриб беҳол бўлди-ей,
Армони ушалмай бедор бўлди-ей,
Беомон тақдирдан бемор бўлди-ей,
Уни ташлаб кетма, жоним ўғлоним!..
Дилин ғашлаб кетма, жоним ўғлоним!..

Қиз сочин силамай кетган ботирим,
Кўз тикиб йўлингда тонглар орттирдим,
Сочимда ҳеч кетмас қорлар орттирдим,
Мени ташлаб кетма, жоним ўғлоним,
Кўзим ёшлаб кетма, жоним ёғлоним!..

Сен учун дўстларинг кўз ёш қилади,
Ер ютгур қотиллар шодон кулади,
Мен сени ҳар куни кўргим келади...
Мени ташлаб кетма, жоним ўғлоним,
Кўзим ёшлаб кетма, жоним ўғлоним!..

Кўк киймай, мен мотам тутаман энди,
Соғинчнинг азобин ютаман энди,
Минг йил бўлса ҳамки кутаман энди,
Мени ташлаб кетма, жоним ўғлоним,
Кўзим ёшлаб кетма, жоним ўғлоним!..

Ҳамиджон МУТАЛОВ,
Фарғона вилояти,
Бешариқ тумани.

МАСЛАҲАТГЎЙИМИЗ ЭДИЛАР

Отам - Эргаш Йўлдошев уруш қатнашчиси, меҳнат фахрийси, маҳалламиз оқсоқоли бўлгандилар. Оиламизнинг таянчи, 10 та фарзанднинг отаси, невара-ю, эвараларнинг севимли бобожони - отамиз бизга ҳар ишда маслаҳатгўй эдилар.

Отам 40 йил бир жойда - Чирчиқ Ички Ишлар Бошқармасида хизмат қилганлар. Ўша ердан нафақага чиққанлар.

Фарзанд отаси ҳақида қанча кўп гапирса, қанча кўп ёд этса, шунча оз...

Отажоним, ташлаб кетдингиз,
Ортингиздан бўзлаб қолдик биз,
Меҳрибоним - суянчим, тоғим,
Меҳр тўла боғим эдингиз.
Жойларингиз жаннатда бўлсин.

Фарзандлари номидан
Муҳаббат Эргаш қизи.

ХОЛИМБЕКЛИК ДИЛБАР

Амударё туманининг Холимбек қишлоғида туғилиб ўсган Дилбар Кенжаева Давлатбой қизини қишлоқнинг каттаю кичиги яхши танирди. Ота-онасидан эрта етим қолган меҳнатсевар қизнинг зиммасига ҳаёт ташвишлари жуда эрта тушди. Ўзидан кейин туғилган ука-сингилларига ҳам оталик, ҳам оналик қилиб вояга етказди. Турмуш юмушларидан ортиб, олийгоҳни туғатган қизни ўз қишлоғида жойлашган 35-сонли мактаб жамоаси ўз бағрига олди. У ўз билганларини сидқи дилдан ҳамқишлоқларининг фарзандларига ўргатди. Кимга опа, кимга онадек меҳрибон бўлди. Натижада ўқувчиларнинг севимли опажонига ҳам айланди. Бу орада бахти "очилиб", шу қишлоқнинг асл йигитларидан бўлмиш Қадамбой Султонов исмли йигитга турмушга чиқди. Ниҳоят, севимли фарзандларига меҳрибон она, эрига вафодор, садоқатли ёр бўлиб, бахтиёр яшаётган бир пайтда, эндигина 40 ёшни қоралаган аёлни бевақт ўлим орамиздан олиб кетди. Мана орадан икки йил ўтсада, мактабдаги дўстлари М.Тўраев, Қ.Қозоқов, Р.Бобожонов, Р.Норимов, Б.Ўрозбоев, Д.Содиқова, Т.Холмуродов, З.Эшмуротова ва бошқалар учун ҳамон уни ўрни билинади. Ҳамиша уни илиқ сўзлар билан эслашади.

Дилбархоннинг охирати обод бўлсин.

Рўзимбой НОРМОНОВ,
Амударё тумани,
Холимбек қишлоғи.

ЖАННАТ ЁМҒИРИ

БАДИА

Онажоним Сонияхон Усмонова ёдига

Ёмғир томчилай бошлади...

Ёмғир кўкламнинг қордек оппоқ, беғубор осмонидаги қора булутлардан эмас, оққушдек тўшларини кўзкўз қилиб сузиб юрган парқу булутлардан томчилар эди.

Айни шу дамда сизнинг тобутингизни ердан даст кўтардилар, онажон. Жанозани ўқиб бўлган дуогўй домла баланд ва ўктам овоз билан "Йиғламанглар, онахон жаннати эканлар, Оллоҳдан у киши учун жаннат ёмғири томчилаяпти", - деди. Катта-ю кичик, ёшу қари тобут дастасини бир бор тутишга, савобдан баҳраманд бўлишга интилди. Тобут катта кўчага олиб чиқилди.

Қалбим йиғлаб алвидо айтди, онажон. Осмон-ку сизнинг ўзи каби кенг бағрингиз учун саҳоватини дариғ тутмади. Лекин мен-чи? Мен фарзанд бўлиб нима қилдим, онажон? Осмончалик ҳам бўлолмадим-ку!

Мўъжазгина уйимга ташриф буюрган лаҳзаларингиздан бошлаб бутун вужудим қарздорлик ҳисси билан тўлса бўлмасмиди? Бутун вақтим, эътиборим, оний лаҳзаларимни ўзингизга бағишласам бўлмасмиди? Иш, кундалик ташвишлардан ортиб сизга қалб қўримни, юрак меҳримни беролмадим. Бу фоний дунёга ғаниматэканингизни билмабман, онажон.

"Икки кунгина уйингда турай, қизим, сўнг кетаман!" - деб юзларимга термулсангиз, ғарибгина кулбангизга қайтасиз деб ўйлабман. Чин дунёга кетишингизни билмабман, онажон. Узун тунларни қоралаб шеърлар битибман, лекин сизга атаб бир дона шеър битмабман, онажон. Балки аввалларибитгандирман. Битган бўлсам ҳам нечун шиката қалбингизга малҳам бўлгувчи мисраларимни пойингизга тўкиб солмадим? Инсон қалби баҳорда уйғонади дейишади. Кўкламнинг нафаси уфурган чоғ қалблар ҳам гуллаб бошлайди, севгига лиммо-лим тўлади. Лекин сизнинг қалбингиз баҳори гулламади онажон. Отам билан бахтиёр онларингиз ўтган ўша қадрдон ҳовлимизга сиғмадингиз онажон.

Кимнидир кутдингиз, кимнидир йўқладингиз... Йўқлаган инсонларингизни нега ҳузурингизга етаклаб келолмадим, онажон? Қалбимнинг туб-тубида армонлар гулламоқда. Шаҳар четидаги қабристонда, йўл ёқасида яна бир ғарибгина қабр дўппайди. Бу сизнинг қабрингиз... Дуогўй онахонлар эрта тонгда онангнинг қабрига дон сепгин, қушлар чўқиб еса қиёматгача саловат ўқиб туришади, дейишди.

Тонглар уйғонмасдан қабристонга йўл оламан. Ҳовучимдаги донларни қабрингиз узра сочаман. Дарахт бутоқларида мудраётган қушлар дув этиб қабрингизга ёпирилади. Қалбим бир оз таскин топгандек бўлади. Юрагимнинг бир чеккасида яна армон ғимирлайди. Ҳатто қушлар ҳам яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтаришар экан. Лекин мен-чи? Шунда қабрингиздан шиката бир товуш эшитилгандек бўлади: "Савобталабга савоб қил, қилган савоб ишларинг менга нури раҳмат бўлиб ёғилади!.."

Бундан кейинги хайрли ишларимнинг савоби сизга тегсин, онажон! Ҳар доим мўъжаз қабрингиз қошида ўтириб сиз билан суҳбат қурсам, юзларимга жаннат ёмғирининг сувлари томчилагандек бўлади. Шунда кўнглим таскин топади, кўз ёшларим тинади. Руҳингиз нурга, капалакка, шаббодага, парвонага эмас, жаннат ёмғирига айланиб юзларимга урилади. Шунда лабларим оҳиста пичирлайди: "Қиёматгача хайр, онажон!.."

Раънохон УСМОНОВА,
Фарғона вилояти,
Бешариқ тумани.

РУҲИНГИЗ ШОД БЎЛСИН

ХОТИРА МУКАДДАС

Оилада тўққиз фарзандмиз. Ота-онамиз бизларни оқ ювиб, оқ тараб, ҳеч кимдан кам қилмай ўстирди. Ҳаммамизни уйли-жойли қилди, узатди. Энди кенжатой укамиз Жасурбекни уйлаш керак эди. Бўлажак келиндан жуда катта нарса талаб қилинарди, бу ҳам бўлса, хушмуомалалик, хушфеълик ҳамда меҳнатсеварлик. Чунки, меҳрибон ота-онамизнинг бундан кейинги турмуш тарзи шу келин билан бевосита боғлиқ эди. Осмонимизда янги "қуёш" нур соча бошлади.

Укамиз Жасурбек учун муносиб келинни қўшни Нанай қишлоғидан топдик ва тез орада тўй бўлиб ўтди. Келинимиз Феруза хон биз ўйлагандан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Хушмуомалаликда унинг олдига тушадиган одам йўқ эди. Ишларни ўз вақтида меъёрига етказиб, кўнгилдагидек бажарар, бундан ота-онамиз ва албатта биз ҳам жуда хурсанд бўлардик. Ферузахон бизни шундай ҳурмат қилардики, унинг суҳбатида бўлиш биз учун бир байрамдек бўлса, оилада бўладиган барча тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмасди. Ҳозирги кунда аксарият келинларда учраётган данғасалик Ферузахон учун мутлақо ёт нарса эди. Ўзининг шундай гўзал фазилатлари билан бизни ўзига боғлаб қўйган бу инсон орадан кўп ўтмай маҳаллада, қолаверса, қишлоқда ҳурмат топа билди. "Намунали келин", деган ном олди. Қишлоқдагиларнинг барчаси Ферузахонга, у сабаб оиламизга ҳавас билан қарайдиган бўлишди. Ота-она учун ҳам фарзанд бахтини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Орадан бир йил ўтиб жиянчалик бўлдик. Янги меҳмон Мадинабону дунёга келди. Бу эса ўз-ўзидан қувончимизга қувонч қўшди. Бизлар учун ўз синглимиздек азиз бўлган инсон энди **меҳрибон она ҳам эди.** У фарзандига ҳамма она ҳам бера олмайдиган меҳрни, тарбияни бера бошлади. Унинг шарофати билан Мадинабону ёш бўлишига қарамай, жуда одобли қиз бўлди. Уни буваю бувисига, ота-онасига, қолаверса, биз қариндошларга нисбатан жуда меҳрибон қилиб тарбиялади.

Лекин... Бугун биз учун қуёшга тенглашиб қолган инсон энди орамизда йўқ. Бевақт ўлим Ферузахонни бизнинг орамиздан олиб кетди. Бизга эса бу дунёни гўё маъносиздек қилиб кетди.

Ферузахонни бахтсиз ҳодиса туфайли касалхонага олиб кетишганини эшитганимда, гўё қиёмат қойим бошланиб, ҳаёт тугагандек бўлди. Укам Жасурбек эса ўзини билмасди. Унга ҳар қанча далда берсам-да, бефойда эди.

Шифокорларнинг шунча уринишларига қарамай, Ферузахон фоний дунёдан боқий дунёга кетди. Мана энди ҳаёт мазмунига айланган инсонсиз қолган оила аъзоларининг, ота-онамнинг, айниқса, бутун борлиғини йўқотган Жасурбекнинг, кўз очиб кўрган, лекин ҳали меҳрига қонмаган Мадинабонининг ҳолини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Ҳали не-не фарзандларнинг меҳрибон онажониси бўлиши, ўзига ўхшаган халқнинг гўзал келинчакларини тарбиялаши лозим эди. Ахир бахтли бўлишга унинг ҳам ҳаққи бор эди-ку!

Яратганнинг Ферузахон тақдирига ёзгани 23 баҳор экан. Бугун қизи Мадинабону тўрт ёшга қараб кетмоқда. У онасининг касалхонадан келишига ҳамон умидвор.

Орадан кунлар, кунлар ортидан ойлар қувлашиб ўтаяпти. Лекин Ферузахоннинг қалбларимизда қолдирган ёркин хотираси ҳар доим, ҳар сония биз билан бирга.

Сингилжоним Ферузахоннинг охирати обод, руҳи шод бўлсин!

Бўстонлиқ тумани,
Сижжак қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси
Мавжуда Маҳкамова номидан Жаҳонгир ИНОҒОМОВ.

КЕКСАЛАРНИ ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ...

Янги ҳовлига кўчиб келган кунларимиз турмуш ўртоғим қўшни кампирга "амма" деб мурожаат қилган сабаб, мен ва бирин-кетин туғилган фарзандларимиз ҳам бу аёлни "амма" деб чақирардик.

Аммо, у киши ёшларига нисбатан чаққон эдилар. Азонлаб ҳовлига қут-барака кирсин деб дарвозаларни ланг очиб қўярдилар. Аммани уст-бошлари доимо покиза, хоналари эса ораста бўларди. Ёшлари етмишдан ошган бўлса-да, қўлларидан кир совун, супурги тушмасди.

Амма деб эътироф этаётган аёл-Бибиражаб Қурбоновнинг эри уруш даврида бедарак йўқолган бўлиб, 2 нафар ўғил-қизини ҳам ота, ҳам она бўлиб вояга етказган. Ҳаётда жуда кўп қийинчиликларни кўрган аёл, болаларни уйли-жойли қилиб бир эмас, невара - эвараларга буви бўлган.

Келинчаклик давримда уй ишларига, айниқса, сурпа ишига нўноқроқ эдим. Бу ишларни на онам, на қайнонамдан ўрганишга қизиқмаганман. Аммо ишдан келдим дегунча амма дарвозадан кириб келардилар. Аста-секин у кишидан сурпа ишини, зувала ёйишни, нон пиширишни, сигир соғишни, сут, қатиқ, сариёғнинг сир-асрорларини, рўзғор тутумини ўргандим. Нафақат мен, балки кўплаб ёш оила бекалари аммадан бу ишларни ўрганган эканлар. Амма ҳаммага бирдек меҳрибон эдилар. Бировнинг боши ёстиққа тегса бориб хабар олар, мушкул кунга қолса ҳамдард бўларди.

Ёшлари саксондан ошиб амма фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар. Анчагача ўзим ҳам, фарзандларим ҳам бу айриликка кўника олмадик. Фақат мени бир армон қийнайди. Кейинги вақтларда иш билан бўлиб, аммамни фақат дам олиш кунларигина кўрардим. Мен у кишининг дийдорга, бир оғиз суҳбатга интиқликларини билмасдим. Ҳафталик рўзғор юмуши деб аммадан вақтимни қизғанардим. Буни кеч англаб етдим.

Оиламиздагилар, қўшни аёллар билан аммани бот-бот эслаймиз. У кишининг йўқлиги барчага билинади. Аммам кўчамизнинг иймони эдилар. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлиб, охиратлари обод бўлсин.

Азиз замондошим, инсонларни тириклигида авайлаб-асранг, дилкаш суҳбатингизни, дийдорлашувни дариғ тутманг. Меҳр-оқибатли бўлайлик.

Шодигул ХУСЕНОВА,
Навоий вилояти,
Нурота шаҳри, В.Абдуллаев номли 18-умумтаълим мактаби директори

Дугонам ҳақида ёзиб тўғри қилдим, деб ўйлайман. Чунки у бир бахти кулган оилага келин бўлишга арзигулик қиз. Чиройли, ақл-фаросатли, меҳмон кутишу орасталигига тўғриси тан бераман. **Ёши 27 га** кирган бўлса-да, ҳали гўшанга кўрмаганлигининг сабаби айни совчилар келиши керак бўлган ёшда ота-онаси билан Қашқадарёдан Тошкентга кўчиб кетди. Пойтахтда эса кўни-қўшнилар унинг оқила қизлигини ҳали билишмас эди. Шундай сабабларга кўра, вақт ўтиб бормоқда. Мен эса унинг ўз тенгини топишини жуда-жуда хоҳлардим.

Манзили таҳририятда.

Саида,
Тошкент.

Дўстим водийнинг кўркам, одобли, мард йигитларидан. Ҳозир Тошкентда ишлайди. **Ёши 35да.** Шундай камсуқум, олий маълумотли йигитнинг аёли тушунмаса қийин экан. Уч фарзанди бўла туриб, оиласи барбод бўлди. Унинг нияти ҳижобли, намозхон, Оллоҳни қалбига жо қилган қиз ёки жувонга уйланиш.

Манзили таҳририятда.

Дўсти Рустам,
Тошкент.

Аёлимнинг вафот этганига ўн йил бўлди. **Ёшим эса 70 да.** Фарзандларимни юзхотир қилиб бошқа аёлга уйланмоқчи эмасдим. Аммо уларнинг ҳам оиласи бўлгач, ўзингни ёлғиз сезаркансан киши. Ҳовлим бор, келинларим жуда яхши. Мен билан қарилик гаштини суришни истаган аёл бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.

Эркин,
Тошкент.

Ёшим 59 да. Уй-жойим етарли. Педагогман. Шу ёшга кирганда тақдирнинг тўсиғига учраб ёлғиз қолдим. Мени тушунган аёл бўлса турмуш қурсам дейман.

Манзилим таҳририятда.

Шодибек,
Бухоро.

Кўринишим ёш кўринса-да, **54 га** кириб қолдим. Фарзандлардан тинчиб, уларнинг ҳузурини кўрадиган вақтимизда бевақт ўлим аёлимни олиб кетди. Начора, кўнмай илож йўқ. Инсон эса жуфт яшаши керак. Менга ийманли, намозхон, фарзандсиз аёл керак. Ишлайман, барча шароитим муҳайё.

Манзилим таҳририятда.

Алишер,
Тошкент вилояти.

Жиянимнинг **ёши 27 да.** Чиройига, одобу ахлоқига ҳавас қилгулик. Ўзи олий маълумотли банк ходими. Аммо ҳаётнинг ўйини билан турмуши бузилди. Мен унинг завол кетаётган умрига ачинаман. Олий маълумотли, зиёли, тушунган оила фарзанди бўлса бахтли бўларди.

Манзилим таҳририятда.

Мехрибон,
Тошкент.

Ўғлимнинг **ёши 41да.** Олий маълумотли, нуфузли идорада ишлайди. Келишган. Не орзу-ҳаваслар билан яккаю-ягона ўғлимизни уйлантиргандик. Афсус, келин асаб касали билан оғриган экан. Аммо бетакрор ҳусни бор эди... Ажрашишди. Шу боис ўғлимга муносиб, ҳалол, покиза асли тошкентлик қиз ёки боласиз аёл бўлса тақдирлари туташса деб ният қилдим.

Манзилим таҳририятда.

Олмосхон ая,
Тошкент.

Узоқ йиллардан бери бирга ишлайдиган опам бор. **Ёши 50 да** бўлса-да, 40 га ҳам кирмагандек кўринади. Олий маълумотли, лавозимлилиги ўз йўлига-ю, чиройли хушмуомалалиги, ибоси билан барчани ром этади. Жигарларининг ташвиши деб турмуш қурмаган бу аёл бир яхши инсоннинг жуфти бўлишини жуда-жуда истардим. Унинг ҳамма имкониятлари бор, фақат 55 ёшгача бўлган зиёли эркак бўлса таништирмоқчи эдим.

Манзил таҳририятда.

Нозила,
Тошкент.

Оқ-сариқдан келган, жуда нозик қизман. Асли Жиззахданман. Ҳозир Тошкентда ишлаяпман. Ўқиганман. **Ёшим 25 да.** Жисмимга мос, камтарин, садоқатли фарзанди йўқ йигитга турмушга чиқиш ниятим бор. Ажрашган бўлса ҳам майли.

Манзилим таҳририятда.

Шоҳиста.

Тижорат билан шуғулланаман. Яшаш шароитим яхши, камчилигим йўқ. Ёшим 29 да. Ҳали бўйдоқман. Гўзалликни ёқтираман. Шўх, шаддод, шу билан бирга ақлли қиз бўлса турмуш қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Одил,
Хоразм.

Ёшим 60 да. Хотиним рус миллатига мансуб эди. Ажрашиб, ўз юртига кетди. 10 йилдан буён ёлғизлик қийнаб юборди. Қўлимдан ҳамма ҳунар келади. Ноҳуш одатларим йўқ. Иймон-эътиқодли, солиҳа аёл бўлса, умримни охиригача тинч-осойишта ҳаёт кечирсак.

Манзилим таҳририятда.

Абдураҳмон,
Тошкент.

Қизимнинг тақдири мени ўйга солади. **Ёши 35 да.** Саккиз йил бўлди турмуши бузилганига. Бор-йўғи 20 кун оила қурди. Эрининг носоғломлиги боис бахт нима эканлигини ҳам билмади шўрлик. Қанийди тенги чиқса.

Манзилим таҳририятда.

Олмахон опа,
Тошкент.

Ёшим 34 да. Битта қизим бор. Эримнинг хиёнати туфайли ажрашишга мажбур бўлдим. Ўзим олий маълумотлиман. Уй-жойим бор. 50 ёшгача бўлган кўриниши нуқсонсиз, иш жойи тайин йигит билан ҳаётимни боғламоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Шоира,
Тошкент.

27 га кирдим, аммо ҳали тўйим бўлмади. Сабаби унаштирилган йигитимни айби борлигини билиб қолиб, тўй бекор қилинди. Агар менинг қалбимга яқин инсон бўлса танишишни истардим.

Манзилим таҳририятда.

Ноила,
Тошкент.

Ёшим 25 да. Матбаа коллежини тугатганман. Пазандалик, чеварлик ишлари қўлимдан келади. Адабиётни яхши кўраман. Иш жойи, касби-кори тайин йигит бўлса, ҳаётимни боғласам дейман. (Асли самарқандликман)

Манзилим таҳририятда.

Раҳима,
Тошкент.

Ёшим 35да. Илм билан бўлиб, умр ўтганини сезмай қолибман. Фан номзодиман. Нуфузли идорада ишлайман. Турмушга чиқмаганман. Оиламиз зиёлилар оиласи. Олий маълумотли, ноҳуш одатлардан йироқ, уй-жойли, касби тайин инсон билан турмуш қурсам, дейман.

Манзилим таҳририятда.

Нилуфар,
Тошкент.

27 ёшдаман. Олий маълумотли, ўрта бўйли, буғдой ранг қизман. Чиройим ҳам етарли. Ўқитувчиман. Ақлли, кенг феъл, уддабурон йигит билан танишмоқчиман. Агар кўнглимдагидек умр йўлдошни учратсам, албатта қадрлаб яшайман.

Манзилим таҳририятда.

Нигора,
Бухоро.

Ёшим 27да. Ажрашганман. Фарзандим йўқ. Ишлайман. Қиёфам... нуқсонсиз. Қиз болага муносиб ҳунар қўлимдан келади. Ҳаётдан бир қуйдим... Энди такрорланмаса, дейман. Ўзимга, кўнглимга лойиқ бир инсон бўлса, ҳаётимни боғласам.

Манзилим таҳририятда.

Тошкент,
Гулнор.

Ўғлим жуда тортинчоқ. Қизлар билан гаплашишни менинг ихтиёримга қўйиб қўйган. **Ёши 26 да.** Уйланмаган. Ўзи олий маълумотли. Кўркам йигит. Яхши жойда ишлайди. Ўқиган, кўхликкина яхши оиланинг фаразанди бўлса, бошини иккита қилсам...

Манзилим таҳририятда.

Далила,
Тошкент.

Ҳар томонлама "Худо берган" жияним бор. Тадбиркор. **Ёши 27да.** Афсус ҳаётига дарз кетди. Ажрашган. Уч боласи хотинида. Агар жиянимга муносиб қиз ёки боласиз аёл бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.

Дилфуза ая,
Тошкент.

Қизим 32 ёшда. Иқтисодчи. Нуфузли идорада ишлайди. Ажрашган, бир ўғли бор (10 ёш). Кўриниши кўхлик. Уй-жойи бор, иши тайин, зарарли иллатлардан ҳоли йигит бўлса, бир бутун бўлиб яшашса...

Манзилим таҳририятда.

Салима,
Тошкент.

Ёшим 66 да. Аёлим вафот этган. Ўзим нафақадаман. Зарарли иллатлардан ҳолиман. Ниятим, бир ҳалол, солиҳа аёл билан умргузаронлик қилиш.

Манзилим таҳририятда.

Камол,
Тошкент.

Синглимнинг **ёши 30 да.** Нуфузли идорада ишлайди. Кўркам қиз. Турмушга чиқмаган. Онам билан яшайди. Маълумоти олий. Тикиш-бичиш, пиширириқлар пишириш жону дили. Ёши 33-36 лар атрофидаги олий маълумотли, уй-жойли йигит бўлса, узатиш истагидамиз.

Манзили таҳририятда.

Ҳилола,
Тошкент.

Мен асли туркистонликман. **Ёшим 47 да,** санъаткорман. Тақдирда бор экан, оилам бузилиб кетди. Ҳозир Тошкентда яшайман. Топишим ёмон эмас. Ўзини қадрлайдиган, ориятли, чиройли, фарзанди йўқ аёл бўлса бахтли қилмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Самандар,
Тошкент.

34 ёшдаман. 8 ёшли қизим билан ёлғиз яшайман. Тагли-тугли оиланинг фарзанди эдим. Эримнинг номардлиги боис турмушим бузилди. Менга эркакнинг бойлиги эмас, ҳалол ва мардлиги керак. Агар у мени тушунса албатта бахтли қиламан.

Манзилим таҳририятда.

Шахина,
Тошкент.

Турмушим фарзандсизлик сабабли бузилди. Аёлим мендан кейинги оиласидан ҳам фарзанд кўрмади. Акаукаларимнинг барчаси фарзандли. Мен уларнинг олдида ноқулай бўлиб Тошкентга келиб қолдим. Асли андижонликман. Тижорат билан шуғулланаман, **ёшим 40да.** Сочи кесилмаган, оқила аёл бўлса турмуш қурардим.

Манзилим таҳририятда.

Ботир,
Тошкент.

Асли самарқандликман, ҳозир Тошкентда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Қалтис сабаблар туфайли оилам бузилди. **Ёшим 43 да.** Ўқимишли, ҳаёт ташвишларини бирга енгиб ўтадиган, яхши хулқли, бир кун келиб ўз қишлоғимга кетишга рози бўладиган аёл бўлса танишмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Шуҳрат,
Тошкент.

Тангрининг ҳукмига бандаси ожиз экан. Турмуш ўртоғим ниҳоятда мукаммал инсон эдилар. Бевақт ўлим орамиздан олиб кетди. Фарзандимиз йўқ эди. Шунга ҳам 10 йил бўлди. Ёлғизлик қийин экан. Қариндошларим: "Ёлғизлик Оллоҳга ярашади. Турмуш қил", - деб қўйишмаяпти. Олий маълумотлиман. **Ёшим 45 да.** Кўнглимга мос, иш жойи тайин, андижонлик эркак бўлса турмуш қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Сумбула,
Андижон.

Ёшим 62 да. Ажрашганман. Битта фарзандим бор. Онасида. Ўзим табибман. Халққа холис хизмат қиламан. Уй-жойим, ишим тайин. Тиббиётга яқин, фаросатли, мулоҳазали аёл бўлса, ҳаётимни боғлаб, ҳунаримни ўргатсам, дейман.

Манзилим таҳририятда.

Алижон,
Тошкент.

Ёшим 50 да. Турмуш ўртоғим қазо қилганига кўп йил бўлди. Болаларни уйли-жойли қилганман. Энди ёлғизман, сирдош, ҳамфикр ҳамроҳга эҳтиёж сезаяпман. Уй-жойим, ишим тайин. Шифокорман. "Майдалик"дан йироқ, ҳалол, танти, олий маълумотли, зарарли иллатлардан ҳоли, бамаъни эркак бўлса қуйидаги манзилга хабар берсин.

Сирғали тумани,
70012 алоқа бўлими,
СА 1522597
номерли паспорт эгасига.
Талаб қилиб олгунча.

Ёшим 32 да. Ажрашганман. 9 ёшли қизим бор. Онам билан яшаймиз. Адабиёт, мусиқага қизиқаман. Гул ўстириш, пиширириқ пиширириш, чеварчилик ишлари жону дилим. Уй-жойи, иши тайин инсон билан кўнгил ришталаримиз боғланса дейман. (Миллатим тожик).

Манзилим таҳририятда.

Баҳор,
Тошкент.

Ёшим 56 да. Эрим оламдан ўтганлар. Фарзандларимдан қутулганман. Нафақадаман. Иймон-эътиқодли эркак билан танишиб, қолган умримни хотиржам ўтказсам, дейман. Ахир икки ёрти бир бутун, дейишади-ку!

Манзилим таҳририятда.

Лазиза,
Тошкент.

Ёшим 30 да. Уйланмаганман. Санъаткорман. Адабиётга ихлосим баланд. Зарарли иллатлардан холиман. Кўринишим бенуқсон. Ҳалолликни, озодаликни яхши кўраман. Номардликдан йироқман. Ишим тайин. Ҳар томонлама тўкис қиз бўлса, бахтли қилишга ваъда бераман.

Манзилим таҳририятда.

Ҳалилжон,
Тошкент.

Ёшим 28 да. Янги оиладаги "иқлим"нинг тоза эмаслиги туфайли оиламиз пароканда бўлди. Ойим доим "сабрли бўлгин" дердилар. Аммо сабр косасининг ҳам қирғоғи бор экан. Жуда оз муддатда ажрашдик. Фарзандим йўқ. Тарбиячиман. Яхши оиланинг фарзандиман. Бир қизга зарур бўлган фазилатлар менга "бегона" эмас. Касби-кори тайин, уй-жойли, ҳалол йигит бўлса, ҳаётимни тиклашдан умидворман.

Манзилим таҳририятда.

Сайёра,
Тошкент.

Ёшим 38 да. Турмушга чиқмаганман. Оиламиз шифокорлар оиласи. Ўзим ҳам шифокорман. Кўринишимдан нолимайман. Олий маълумотлиман. Нуфузли идорада ишлайман. Қорақалпоғистонлик иймон-эътиқодли, олий маълумотли, келишган эркак билан ҳаётимни боғласам, дейман.

Манзилим таҳририятда.

Азиза,
Нукус.

Ўғлимнинг ёши 26 да. Олий маълумотли. Нуфузли идорада ишлайди. Баланд бўйли, кўркам йигит. Шу ўғлимга муносиб олий маълумотли, ҳар томонлама тўкис, солиҳа, тошкентлик қиз бўлса, келин қилмоқчиман.

Манзилим таҳририятда.

Раҳим,
Тошкент.

Қиз боланинг ҳам бахти очилган вақти бўларкан. Айни ўша дамда уни бу дедим, буни у. Оқибатда вақтим ўтиб қолди шекилли... Олий маълумотли, баланд бўйли, оқдан келган қизман. Ишлайман, рус табиатлироқман. **Ёшим 32 да.** Балки кўнглимдагидек, ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ, тушунган, маданиятли йигит бўлса бахтли бўлармиз.

Манзилим таҳририятда.

Сурайё,
Тошкент.

Саҳифани МАТЛУБА ва САНОБАР тайёрлашди.

ВАННАДА ЧЎМИЛИШ

Саҳифа «Умид ва ишонч» тиббий маркази шифокори, тиббиёт фанлари номзоди — Шарофиддин Насриддинов масаҳати ва кўмагида тайёрланди.

Аксарият болалар сувда ўтиришни жуда яхши кўради. Шундай экан, нега бундан фойдаланиб, болаларни сувда машқ қилдирмаймиз?

Биринчидан, болаларнинг очиқ сув ҳавзаларида чўмилишга кўрқишлари табиий. Уларни сузишга гўдаклигидаёқ ваннада ўргатиб бориш мумкин.

Иккинчидан, ваннада қилинган машқлар боланинг мушакларини мустаҳкамлайди, юрагини бақувват қилади ва бронхит, пневмания, томоқ оғриғи каби шамоллашларга чалинмаслигига ва иммунитети ошишига эришилади.

УМУМИЙ ТАВСИЯ

• Ваннада қилинадиган машқларни 2-3 ёшдан бошлаш лозим. Чунки бу ёшда бола мустақил ўтириб - турадиган, ўйнайдиган бўлади.

• Чўмилишдан олдин ваннани тайёрланг: шампун, совун, кремлар ва бошқа шу каби нарсаларни боладан узоқроққа олиб қўйинг.

• Сувнинг ҳарорати мўътадил, яъни 36-37 градус бўлиши, мабода бола иссиқроқ ёки совуқроқ бўлишини хоҳласа истагини инобатга олиш керак.

• Ваннахонага албатта резина тўшагич солиб қўйинг, чунки бола беҳосдан тойиб кетиши мумкин.

• Сувнинг миқдори боланинг бўйига қараб тўлдирилади, яъни унинг елкасидан ошмаслиги керак.

Диққат! *Болани ваннада ёлғиз қолдирманг, доим унинг ёнида кимдир бўлиши зарур.*

Машқларни бажараётган вақтида боланинг елкасидан ушлаб туринг.

"ҚАЙЧИЛАШ"

• Болани сувга орқаси билан ётқизиб, оёқчаларини мумкин қадар тез ва куч билан горизонтал йўналишда "қайчилаш"га ўргатинг. (Ўйиннинг шарти: "Кўрамиз, сен оёқларинг билан қанча тез ҳаракатлана оларкансан, худди балиқ чўкиб кетмаслик учун думини қимирлатгандек") **(1-сурат).**

• Кейин бола худди шу ҳолатни такрорласин, фақат бунда оёқчалари вертикал йўналишда ҳаракат қилсин.

№1

4-5 ёшли бола учун машқларни бироз мураккаблаштириш мумкин **(2-сурат).** Масалан, кафтларидан ушлаб туриб, болангизни сувда муаллақ туришга унданг.

№2

ҚЎЛЧАЛАРИГА ТАЯНИБ...

• Энди болани қорин томонини пастга қилиб ётқизинг. У қўллари билан ваннага таяниб турсин, сиз эса қорнидан ушлаб туринг. Ванна каттароқ бўлса, қўллари билан олд ва орқага бир-икки қадам ташласин. Агар ванна кичик бўлса, ўтирган жойида қўллари билан сакрасин. Кейин оёқларини аввал горизантал, сўнгра вертикал ҳаракатлантириш керак. (Ўйин шарти: "Оёқлар билан сузамиз, қўллар билан юрамиз, тап-тап, шап-шап") **(3-сурат).**

№3

4-5 ёшдаги болалар учун қуйидаги машқни ҳам қўллаш мумкин: боланинг елкасидан тутиб турасиз ва у қўлларини тана бўйлаб ҳаракатлантиради.

СУВ ОСТИДА ҚАРСАКЛАР...

Бола сувда бўйингача ботган ҳолда, кафтларини очиб ўтиради. Сиз эса унинг кафтларига коптокни ташлаб, тез илиб олишга ундайсиз **(4-сурат).**

Диққат! *Навбатдаги машқ бола жисмини чиниқтирмоқда жуда фойдали. Фақат бунинг учун:*

• Бола сувга бошини ботириб туришга кўрқмаслиги лозим.

• Агар сув унинг қулоқ ва бурнига кирса, жаҳлга қилмаслиги керак.

• Сув ичида яхши нафас олади, аммо бунга ақли етмаслиги мумкин, сиз эса тушунтира билинг.

• Агар болада нафас қисиши (астма), туғма юрак хасталиги ёки асаб касаллиги (эпилепсия) бўлмаса.

№4

• Бола ўпкасига ҳаво тўлдиради ва ҳавони оғзи ҳамда бурнидан иложи борича тез чиқаради. Кейин эса аксинча, секинлик билан амалга оширади. Сиз уни: "Кичкина китча бўлиб, фонтан ҳосил қиласан", - дея қизиқтиринг. Аввал машқни ўтирган ҳолатда, сўнгра орқа билан ётиб амалга оширсин. Бу пайтда болангизни ҳеч ҳам кўздан қочирманг.

СУВСОЗЛИК ЎЙИНИНИ ЎЙНАЙМИЗ!

• Ўртача диаметрли резина шланка олинг (шланка бемалол оғзига сиғсин). Ушбу шланка орқали кичкинтой нафас олиб, нафас чиқарсин. Бунда бола қорни билан ваннада ётган бўлади. Сув болакайнинг устидан 30-40 см. баланд бўлсин. Агар сув остида тақадиган кўзойнак ёки маска топа олсангиз, жуда яхши бўларди. Ўшанда ваннанинг тагига ҳар хил тугмачаларни ташлаб қўйиб, болангизга кўзойнакни тақиб қўйиб сув остидан тугмачаларни териб чиқишини буюринг. Унга: "Сен денгизда сузувчисан, сув тагидаги маржонларни олиб чиқишинг керак", - деган қизиқарли топшириқ беринг. Шунда у ўзини худди ғоввослардек тутиб, дадил ҳаракат қилади.

Бу топшириқни бажаришда энг муҳими - нафасни тўғри тақсимлаб, секин чиқариши лозим.

Диққат! *Ушбу машқларни бажаришда болангизни кўп вақт сувда ушлаб туришингиз шарт эмас. Дастлаб қисқа вақтдан бошлаб, кейин 3-4 дақиқадан қўшиб боринг.* **Ваннадаги машқни 15-20 дақиқадан оширманг.**

ОТА - ОНАЛАР МАКТАБИ

АСПИРИНСИЗ ДАВОЛАШ

Боланинг иссиғи баланд... Албатта, барча дорихоналарда иссиқликни туширадиган дориларнинг турли хили бор. Лекин шундай ҳолатлар бўлади-ки, аспирин ҳам, панадол ҳам фойда бермаслиги мумкин: шу пайтда ҳарорат бироз тушиши мумкину аммо ярим соатдан кейин яна кўтарилади. Болага қайта-қайта дори бериш эса ярамайди. Чунки зарарсиз кимёвий дорининг ўзи бўлмайди. Бу ҳолатда доимо синалиб келаётган халқона усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

УЙИНГИЗДА БОРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Ҳар бир хонадонда ароқ ёки сирка уксус бўлса керак. Уй ҳароратида қайнатилган сувга ароқ (1/1 миқдорда) ёки уксус (1/2 миқдорда) аралаштириб, пахтали мато ёки сочиқни шу аралашмага ҳўллаб боланинг баданини яхшилаб артиш керак. Бир ёшга етмаган мурғаклар ҳарорати кўтарилганда эса пахтали қоғоз (салфетка) ёки бинтни ҳўллаб артсангиз ёки клизма қилсангиз ҳам бўлади.

Диққат! Ҳеч қачон уксус кислотасининг ўзидан фойдалана кўрманг, акс ҳолда боланинг терисини куйдириб қўйишингиз мумкин. Ушбу муолажани қилганингиздан кейин хонада елвизак бўлмаслиги ва бола танасида терлаш ҳосил қилиш учун уни бирор енгилроқ ёпинғич билан ўраш керак бўлади. Тайёрлаган малҳамингизга ботирилган салфетка ёки бинтни қўлтиқ остига 10 минут қўйиб қўйсангиз ҳароратнинг пасайиши тезлашади. Бундан ташқари ўша суртма билан оёқ остини, тиззаларни кўпроқ артиш лозим.

ЭСДА ТУТИНГ! Болани қалин кўрпа билан ўраш ёки иссиқ пайпоқ ва кийимлар кийдириш нотўғри. Бу унинг танасига янада ортиқча иссиқликни юклашдан бошқа нарса эмас.

Ҳозир айни малина меваси етилган пайт. Бу доривор мева беҳизга табиий аспирин деб аталмайди. Чунки шамоллашга қарши курашишда ва иссиқликни туширишда унинг олдига тушадиган мевасининг ўзи йўқ. Шамоллаган ёки иссиғи ошган бола хоҳлаганича малина шарбатидан ичса жуда тез тузалади. Айниқса бир стакан қайноқ сувга икки ош қошиқ қуритилган малина солиб чой тайёрланса айни муддао бўлади. Бундан ташқари малинадан тайёрланган мураббо ҳам яхши самара беради. Лекин шуни унутмангки бу малҳам бўлувчи мева жуда кўп терлатади. Шунинг учун болангизнинг кийимларини тез-тез алмаштириб ва баданини қуруқ сочиқ билан артиб туришни унутманг.

Диққат! Беминнат ёрдамчингиз бўлган ушбу доривор мевани етилган вақтида бир йилга етадиган қилиб тайёрлаб қўйсангиз фойдадан холи бўлмайди. Эрталаб соат 8 дан 9гача ва кечқурун 16дан 17гача вақт оралиғида йиғилган малина жуда шифобахш бўлади. Малинани барглари билан бирга йиғиб, қуритиб, қоғоздан тайёрланган халтачаларга солиб қўйилади.

ТАБИИЙСИГА НИМА ЕТСИН

Танадаги ҳароратни туширишда учун дарров дорихонага югуриш ўрнига уйдаги бодиринг, пиёз ва картошкалардан фойдаланиб кўриш мумкин.

+ Ярим стакан бодиринг шарбатини тайёрлаб болангизга ичиринг, стаканнинг тагида қолганини эса танасига суринг.

+ Хренни майда тешикли қирғичдан ўтказиб, туз ва ошхона уксуси билан аралаштиринг (1/1/1 миқдорда). Тайёр бўлган аралашмани қоғоз (салфетка) ёки бинтга ёйиб чиқинг ва 5 минут болангизнинг елка ва бўғинларига қўйиб қўйинг.

+ Иккита текис картошкани йирикроқ қирғичдан ўтказинг ва бир ош қошиқ ошхона уксусидан аралаштиринг. Тайёр бўлган массани марли ёки латтага ёйиб 10 минут боланинг пешонасига қўйинг.

+ Бош пиёзни майда қирғичда ўтказиб, қайнатилган гуруч сувини аралаштиринг (бир стакан гуручга 7 стакан сув солиб қайнатилади ва бир ош қошиқ қуритилган райҳон солинади). Тайёр бўлган малҳамни ҳар икки соатда бир ош қошиқдан болага ичириб туринг.

ДИЛРОЗ ва МАТЛУБА тайёрлашди.

Шахсий ҳаёт

Суҳбатдошимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминов.

КЎНГИЛГА ҚУШИҚ СИҒСИН

- Собиржон, кўнглингизга олмайсизу, одамлар ўртасида "дарахтни силкитса, қўшиқчи ёғилади" деган гап болалаган. Тўғриси, техниканинг "зўрлиги" туфайли ҳақиқий овозни аниқлаш ҳам қийин бўлаяпти. Ҳатто баъзи тўйларда машҳур санъаткорларнинг "мини диск"ини қўйиб, лабини қимирлатиб юрганлар ҳам "санъаткорман" деяпти. Сиздай баланднафас ҳофизни бу ҳол орлантирмаяптими?

- Ярамга тегиб кетдингиз, опа. Айтганингизча бор... Вақт - олий ҳакам! Ҳамма нарсанинг сарагинисаракка, пучагини-пучакка ажратиб беради. Гоҳо ўшандай "ҳамкасблар" туфайли ҳақиқий ҳофизнинг кўнгли оғриб қолаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Бу оғриқдан халос бўлиш учун бадиий кенгашларда талабчан, қатъиққўл одамлар кўпайиши керак.

- Илгари "ҳофизман" деганлар узоқ йиллар "пастда" ўзини тобларди. Катта саҳнага чиқишга анча-мунчага рухсат йўқ эди. Ҳозир эса танилиб улгурмай, айримлар катта концерт залларида яккахон концертлар беришаяпти.

- Яхши томони — замоннинг шарофати билан катта саҳналарнинг "қулфи синиб", ижодкор бағрига шамол тегди. Ёмон томони — имкониятдан гуруч ичидаги курмаклар ҳам "сув ичиб қолаяпти". Менимча, "бир боғлам" хашакдан кўра мухлисга икки дона гул тутган яхши.

- Ўзингизнинг ижодингизга қандай қарайсиз?

- Доим танқидий... Доим нималардир қилиш керакдай. Дадамнинг ўгитлари ёдимга тушаверади: "Ўғлим, қўшиқ дегани икки тенгдошингиз ўйинга тушиб, чапак чалиши билан баҳоланмайди. Унинг завқи катта-ю кичикнинг кўнгил торини тебрата олсагина "жойи"га боради", - деб уқтириб келганлар.

- Дадангиз ҳам санъаткормилар?

- Ҳа. Дадам — Одилжон Мўминов (ҳозир 70 ёшдалар) устоз санъаткорлар Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар билан доира чалиб жўровозда қўшиқ айтганлар. Театрда ишлаганлар. Бизнинг ҳам "тилимиз чиқмасдан" қўлимиз мусиқа асбобини ушлаган. Акаларим (5 ўғил, 4 қизмиз) билан танловларга қатнашиб юрардим. Оиламизда ҳамма йигитлар санъаткор бўлиб чиқди. 7 ёшимдан мусиқа мактабида таҳсил олиб, бугунгача изланишдаман. 1993 йилдан санъатга алоқадор танловларнинг "мутлоқ ғолиби" деган номга муносиб кўрилаяпман. 1998 йилда "Оила йилининг машҳур қўшиқчиси" бўлдим. 10 йилдан буён яккахон концертлар бераяпман. Ижодим маҳсули - 15 та мусиқий альбом. Аммо ҳали айтар сўзим кўп одамларга...

- Санъаткорнинг камолида оиланинг ўрни қай даражада деб ўйлайсиз?

- Оилани биринчи ўринга қўяман. Мен санъаткор бўлиб, оилам пароканда бўлса, айтган қўшиғимнинг таъсири, жозибаси бўлармиди! Санъаткорнинг оиласидан кўнгли тўқ бўлса, қўшиғининг мағзи ҳам "тўқ" бўлади, деб ўйлайман. Шу боис қаерда бўлмай болаларим, хотиним диққат марказимда бўлади.

- Болаларингизнинг дунёси билан танишмисиз?

- Албатта. Уларга нисбатан ҳам талабчан, қаттиққўлман, ҳам кўнгилчанман. Ҳамма нарсада тартибли бўлишларини талаб қиламан. Вақтида ўқиш, вақтида дам, вақтида овқат, вақтида суҳбат... дегандай. Бу "машғулотлар"нинг ўрни ўзгариб қолишига йўл қўймайман.

- Ахир доимо уйда бўлмасангиз, буни қандай назорат қиласиз?

- Вазирим - Назирахон (хотиним) бор-ку! Болаларнинг боғчаси, мактабига эса тез-тез бориб тураман. Уларнинг камчилиги-ю, ютуғидан хабардор бўламан. Болаларим - менинг келажагим, қоладиган номим... Тарбия яхши бўлсагина, эртага "раҳмат" олишим мумкин. "Лаънат"дан асрасин! Болалигимда дадам: "Ҳафтада 15 та беш олсанг, айтганингни обераман", - дердилар. Олардим. Айтганим муҳайё эди. Мен ҳам фарзандларимга ўша қоидани қўллаяпман. Натижаси ёмон эмас. Катта ўғлим Рўзимуҳаммад (11 ёш) билан ўртанчаси Сардорбек (8 ёш) - мактабнинг "олди" ўқувчиларидан. Кенжамиз Сарварбек (3 ёш)ни ҳам акалари "аълочи" қилишмоқчи...

- Ижодкор ҳаётида турмуш ўртоқ ва мухлис деган 2 қутб бор. Уларнинг ўртасида РАШК деган жуда катта масофа бор...

- О-о! Секин айтасизми? Менимча, турмуш ўртоғим Назирахон рашкчилар пойгасида биринчилардан бўлса керак... Клипда чиқадиган қизларни режиссёр танлашини билади... Аммо қаердандир телефон рақамимизни топиб, қўнғироқ қиладиганларни "чувиб" ташлайди. Бас келадиганлар бўлса, марҳамат (кулади). Ўзимга келсак, мен ҳамма томонлама номардликдан йироқман.

- Яширган сирингизни кимга айтасиз?

- Эрта тонгда Оллоҳга айтаман. Ўзи яратган, ўзи ярлақасин! Яхшиёмонимизни ўзи билгувчи.

- Ҳаётдан "калтак" еганмисиз?

- Бўлган... Лекин оптимистман!

- Йўқотганингиз?

- Ҳақиқатни топаман, деб бекор кетган вақтим... Аммо вақти келиб ҳақиқат ўзи юз кўрсатаркан...

- Қандай фазилатлар билан ошносиз?

- Камтарликни яхши кўраман. Аммо уни ҳамма ҳам тушунмайди.

- Қайси иллатлар - рақибингиз?

- Мақтанчоқлик ва ёлғонгўйлик.

- Даромад манбаингиз?..

- Тўй, йиғинлар... Тўғриси, тўй одамни чарчлайди ҳам. Чунки у ерда ўтирганлар эркин, кўнглига ўтирган қўшиғингизни сўрайди. Ёмон бўлса, "тўхтат-ей, бошқасини айт", дейиши мумкин. Ижодингизга одамларнинг муносабати аён бўлиб қолади.

- Севган машғулотингиз?

- Спорт. Сузишга қатнайман. Каратэ ва бокс билан шуғулланаман.

- Дўстларга, ёру биродорларга муносабатингиз?

- Дўстларим кўп - пул дўст, амал дўст, маҳалла дўст, жўралар - хуллас, куяр ва суяр дўстлар. Қўлимдан келган ёрдамни қиламан... Улар билса-билмаса бу фарзни унутмайман.

- Қандай таомларни хуш кўрасиз?

- Осиёлик бўлганимиздан кейин мижозимиз ҳам ўшанга яраша-да, "бақувват" таомларга иштиёқимиз баланд. Ширинликлар ҳам жону дилим.

- Кўлингиздан келадигани-чи?

- Девзирадан ош дамлашни, ўзбекча кабоб, қозон кабобни, ўлай агар, ҳар қандай ошпаздан яхши тайёрлайман. Бўш қолсам (мен учун "ноёб" ҳодиса) уйдагиларни шу билан кўнглини олишга ҳаракат қиламан.

- Аёлнинг шамоли ҳам табаррук, деган гап бор...

- Онагинам Шарофатхон ая (охиратлари обод бўлсин!) жуда итоаткор, солиҳа аёл эдилар. Бирор марта қарғаганларини билмайман. Бизни "сиз"лаб гапирардилар. Воя етган ўсмирга ҳам бош кўтариб, қараб гапирмасдилар. Мен учун аёл энг аввало онагинамнинг қавмида бўлгани учун қадрли...

- Мухлисларимизга тилагингиз...

- Ёмонлар, ёмон кунлар барчамиздан йироқ бўлсин. Кўнгилга қўшиқ сиғадиган кунлар ҳаммамизга йўлдош бўлсин!

Санобар ФАХРИДДИНОВА суҳбатлашди.

(10-бетдаги тест жавоблари)

ЖАВОБЛАР

0-15 балл

Сизни табриклаймиз! Бундай соғлом фикрлаш жуда ноёб ҳодиса. Сиз ҳар томонлама етуксиз. Бироқ, ўзингизга озгина романтика етишмайди. Эслаб кўринг-чи, қачон сиз тўпорилик қилгансиз ёки севиб қолгансиз?

16-33 балл

Сиз хаёлот билан ҳақиқатни тўғри ажрата оласиз. Овқатланаётиб, ўйланиб қолганингизда ҳам бирор жойингизни куйдириб олмайсиз. Кўнглингиз тубида сиз ўз истакларингизни шахсий имкониятларингизга қараб жиловлай оласиз.

34-45 балл

Сизнинг орзуларингиз ҳаётдаги ҳақиқатлар билан кўп ҳам тўғри келавермайди. Бироқ сиз баъзан уларнинг ҳақлигини тан олгингиз келмайди. Осмондан ерга тушиб ўз режаларингизни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилинг. Агар сиз бирор нарсани амалга оширишни ният қилиб иш бошласангиз, албатта орзуларингиз ушалади. Буни унутманг.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20:00. Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 737. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12108
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **А. УМИРОВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 2 3 4 5